

ЛЕВ ТОЛСТОЙ

ПОЛИКУШКА

Қисса

ТОШКЕНТ — 1978 Гафур Ғулом
номидаги
Адабиёт ва санъат
нашриёти

ҚИССАЛАР



ПОЛИКУШКА

I

— Сиз нима десангиз шу бўлади, хонимойим! Факат Дутловларга ачинасан киши. Бири биридан яхши йигитлар; хизматкорлардан ҳеч бўлмаганда биттаси берилмаса, улар кетиши муқаррар,— дерди приказчик,— ҳалням ҳамма шуларни гапирди. Тагин ўзингиз биласиз.

У икки қўлини қовуштириб, бўйнини қисди ва бошини қийшайтирди, юпқа лабларини чапиллатгудек бўлиб кўзини олайтирди-да, айтган гапига хонимойим берадиган бемаъни жавобни охиригача сўзсиз эшитишга аҳд қилгандек жим бўлиб қолди.

Бу соқоли қирилган, алоҳида приказчиклар бичимида узун сюртук кийган киши, хизматкорлардан чиққан приказчик бўлиб, куз оқшомларидан бирида бекаси олдида ҳисоб берарди. Беканинг тушунишича, ҳисобот, ўтган хўжалик ишларининг ҳисоботини эшитиб, кейинги қилинадиган ишлар ҳақида кўрсатма беришдан иборат эди. Приказчик Егор Михайловичнинг тушунишича эса, ҳисобот, бурчакда юзини диван томонга қилиб қаққайиб туришдан, ишга сира алоқаси бўлмаган сафсата тинглашдан ва қандай бўлмасин, тезроқ беканинг тоқатини тоқ қилиб ҳамма таклифларига: «маъқул, дуруст» деган жавобларни олиб жўнаб қолишдан иборат эди.

Ҳозир гап аскарга юбориш ҳақида борарди. Покровский қишлоғидан уч кишини юбориш лозим эди. Иккитаси онлавий, маънавий ва иқтисодий шарт-шароитларга кўра тақдирнинг ўзи томонидан белгилаб қўйилган эди. Булар ҳақида на эл-юрт томонидан, на бека томо-

нидан ва на жамоат томонидан тараддуд ёки баҳс бўлиши мумкин. Учинчиси — жанжалли эди. Приказчикинима қилиб бўлса ҳам уч оғайни Дутловларни қолдириб, уларнинг ўрнига ёмон ном чиқарган, бир неча бор қоп, жилов ва пичан ўғирлаб қўлга тушган бола-чақалик хизматкорлардан Поликушкани юбормоқчи эди. Поликушканинг жулдурвоқи болаларини тез-тез эркалаб турадиган, инжил оятлари таъсирида Поликушкани тугатишга уришиб юрган бека эса уни юборгиси келмасди. Шу билан бирга бека, бир умр сира кўрмаган-билмаган бўлса ҳам Дутловларга ёмонликни раво кўрмас эди. Лекин бека Поликушка бормаса, Дутловлардан бири кетиши лозимлигини негадир сира тушунмас, приказчик эса буни унинг бетига айта олмас эди... «Мен асло Дутловларга ёмонликни раво кўрмайман», дерди бека ачиниб. Унинг бу гапига-ку: «Ёмонликни раво кўрмасангиз битта рекрут¹ учун уч юз сўм тўланг»,— дейиш керак эди-я! Лекин бундай демоқликни сиёсат кўтармасди.

Шундай қилиб, Егор Михайлович сездирмай эшик пенбурунига суяниб, юзида итоатгўйлик акс этгани ҳолда беканинг лабларининг шивирлаши, чепчигининг бурмалари девордаги сурат тагига тушаётган сояси билан бир вақтда ликиллашгани хотиржам кузатиб тураверди. Лекин бекаси айтаётган гапнинг маъносига етишни хаёлига ҳам келтирмас эди. Бека эзмаланиб узоқ гапирди. Приказчикни эсноқ босиб қулоғининг орқаси тортишиб кетди; лекин у қўли билан оғзини беркитиб, ёлғондакам томоқ қириб бу титроқни усталик билан йўталга айлантирди. Мен яқинда оппозиция аъзоси министрликнинг астар-аврасини ағдариб турган бир пайтда лорд Пальмерстоннинг шляпани бостириб кийиб ўтирганини, кейин тўсатдан туриб рақибига уч соатлик нутқ ўқиб, моддама-модда жавоб берганини кўрганман; шу ҳолни кўрганимда сира ҳайрон бўлганим йўқ, чунки худди шунга ўхшаш ҳолатни Егор Михайлович ва унинг бекаси ўртасида минг марта лаб кўрганман. Егор Михайлович ухлаб қоламан, деб қўрқдими ёки бекасини гапга берилиб кетди, деб ўйладими, ҳарқалай, оғирлигини чап оёғидан ўнг оёғига олди-да, ҳар вақтдагидай муқаддас муқадди-ма билан гап бошлади:

¹ Рекрут — чор Россиясида аскарликка янги олинган аскар.

— Ҳзингиз биласиз, хонимойим, лекигин... лекигин ҳозир ҳамма идорам ёнига йиғилган, бир жавоб қилиш керак. Буйруқда Покров¹гача рекрут шаҳарга етказилсин дейилган. Деҳқонлардан бўлса ҳамма Дутловларни кўрсатиб ётибди, бўлак кўрсатадиган хонадоннинг ўзи йўқ-да. Жамоа сизни ўйламайди; Дутловларни абгор қилиб қўйишимиз билан иши йўқ. Дутловларнинг не кунларни кўрганини мен яхши биламан. Неча йилдан бери ишлайману рўшнолик кўрганларини билмайман. Чол энди кичик жиянига етишганида яна хонавайрон қиламизми. Шунини билиб қўйингки, мен фақат сизнинг гамингизни ейман. Уларга жуда ачинаман, лекин яна ўзингиз биласиз! Улар менинг аммаваччам ҳам, холаваччам ҳам эмас, улардан ҳеч вақо олганим ҳам йўқ...

— Мен бир нима деяпманми, Егор,— деб унинг сўзини бўлди хонимойим, лекин ўзича, приказчигини Дутловларга сотилган деб ўйлади.

— ...Фақат бутун Покровскийда энг дуруст хонадон шу демоқчиман. Художўй, меҳнаткаш мужиклар. Чол ўттиз йилдан бери черковда старосталик қилади, на ичкиликни билади, на бир ёмон сўзни, худога сиваншнинг канда қилмайди. (Приказчик бекасининг нозик тёмонини яхши биларди). Сизга айтсам, яна шунисиям борки, ўғли атиги иккитагина, қолганлар жиянлари. Жамоа шуларни кўрсатиб ётибди, лекигин ҳақиқа кўчилса булар икки каррадан чек ташлаши керак эди. Бошқалар уч ўғиллик бўла туриб, азбаройи бемаъниликларида бўлак бўлиб олишган, тагин ўзларини ҳақ билишади, булар эса ҳимматлари туфайли жабр чекишади.

Шу ерга келганда бека ҳеч нарсага тушунолмади қолди,—«икки каррадан чек ташлаш» ва «ҳиммат» деган гапларни нима маънода гапираётганини тушунмас эди; беканинг қулоғига приказчигининг овозигина кирар, ўзи эса унинг сюртугидаги сариқ рангдаги дағал ип газламадан ясалган тугмасини кузатиш билан машғул эди: тепа тугмасини кам қадаса керак, зич ёпишиб турар, ўртасидагиси эса чўзилиб осилиб қолган бўлиб, бунисини аллақачон пухталаб чатиб қўйиш керак эди. Лекин ҳаммага маълумки, гаплашганда, айниқса, иш юзасидан гаплашганда, сизга нима деяётганларини ту-

¹ Покров — черков байрами.

шунини шарт эмас, бундай пайтларда, ўзингиз нима демокчилигингизни яхши билсангиз бас. Бека ҳам худди шу йўсинда иш тутарди.

— Нега гапимни тушунгинг келмайди-я, Егор Михайлов?— деди у,— мен Дутловнинг солдатликка боришини асло истамайман. Мени қанчадан бери билсанг, ўзингга маълумки, деҳқонларимга ёрдам бериш учун ҳамма вақт ниманки лозим бўлса қилиб келганман, уларнинг бахти қора бўлишини асло истамайман. Хоҳ Дутловни бўлсин, хоҳ Хорюшкинни жўнатишдек оғир заруриятдан қутулиш учун бутун бор-будумни тикишгача тайёрлигимни биласан-ку ўзинг. (Бу оғир заруриятдан қутулиш учун бутун бори буддан ажралишга ҳеч қанақа эҳтиёж йўқлиги, уч юз сўм бўлса иш битиб кетиши приказчикнинг эсига келдими йўқми билмадим; лекин бу фикр эсига келиши турган гап.) Лекин шуни яхши билиб қўйки, Поликейни асло юбормайман. Анави соат воқеасидан кейин ўзи келиб қилмишини тан олди, йиғлаб, иккинчи қилмайман, деб қасам ичди, у билан бафуржа гаплашиб, астойдил тавба қилганини тушундим. («Чакаги очилиб кетди энди!»— деб ўйлади Егор Михайлович ва бекасининг стаканидаги мураббони кўздан кечира бошлади: апельсин мураббосимикан ёки лимон мураббоси? «Нордонгина бўлса керак», деб ўйлади у). Мана, ўшандан буён орадан саккиз ой ўтди, лекин бирон марта бўлсин, маст бўлганини кўрмадим, ўзиям одам бўлиб қолди. Хотини айтди, жуда бошқача одам бўлиб қолди, деди. Мана шунақа тузалиб, одам бўлиб қолганда, қайси юз билан жазоланг дейсан? Беш болалик одамни солдатликка бериш инсофданми, ахир? Бунинг устига, ундан бўлак рўзғор тебратадиган одам ҳам йўқ. Яхшиси, бу тўғрида менга қайтиб гапирма, Егор...

Шундай деди-ю, бека чойдан ҳўплади.

Егор Михайлович бекасининг томоғидан сувнинг лиқ этиб ўтишини кузатиб турди-да, қисқа ва қуруққина қилиб эътироз билдирди:

— Бўлмаса, Дутловлар юборилсинми?

Бека қўлларини ёйди.

— Нега гапимга тушунгинг келмайди-я? Мен Дутловларга ёмонликни раво кўраманми ё уларга қаршиманми? Худо шоҳид, улар учун ҳар нима қилишгайм тайёрман. (Бека бурчакдаги суратга қараб қўйди-да, унинг худо сурати эмаслигини эслади: «Ҳай, барибир,

эмасми, гап бунда эмас-ку», деб ўйлади у. Яна шуниси қизиққи, уч юз сўм пул хаёлига ҳам келмади.) Лекин начора? Нима қилиш кераклигини мен қаёқдан билай? Билмайман-да, буни. Ҳай, сенга ишонаман, нима демоқчилигимни биласан ўзинг. Шундай қилгинки, ҳамма мамнун бўлсин, қонуний бўлсин. Начора? Кўпга келган тўй. Бундай мушкул кунлар ҳамманинг бошида бор. Фақат Поликейни юбора кўрма. Агар у жўнатиладиган бўлса, жуда қабиҳ ишга йўл қўйган бўламан, тушунгин шуни.

Бека яна узоқ гапириши мумкин эди,— у жуда руҳланиб кетган эди; лекин шу маҳал хонага оқсоч қиз кирди.

— Нима дейсан, Дуняша?

— Бир мужик келиб, Егор Михаличдан сўра, йиғиндагилар кутиб турсинми, деб сўраяпти,— деди Дуняша ва Егор Михайловичга жаҳл билан қаради. («Сандақа приказчикни қара-ю!— деб ўйлади оқсоч,— бекани безовта қилиб ўтирибсан; энди соат иккигача ухлатмайди...»)

— Ҳай, бора қол энди, Егор,— деди бека,— қандай қилсанг дуруст бўлса, шундай қил.

— Хўп бўлади. (Энди у Дутлов ҳақида ортиқ ҳеч нима демади). Боғбондан бориб пул олиб келишга кимни юборай?

— Петруша шаҳардан қайтиб келгани йўқми ҳали?

— Йўғ-а.

— Николай-чи, бориб келолмайдими?

— Дадамлар беллари оғриб ётибди,— деди Дуняша.

— Эртага ўзим бориб кела қолайми?— деб сўради приказчик.

— Йўқ, сен бу ерда кераксан, Егор. (Бека ўйланиб қолди). Неча пул эди?

— Тўрт юз олтин икки сўм.

— Поликейни юбор,— деди бека Егор Михайловичнинг бетига тик қараб.

Егор Михайлов озгини очмай жилмайган каби лабини бурди, лекин чеҳрасини ўзгартмади.

— Хўп бўлади.

— Поликейга айт, ёнимга келсин.

— Хўп бўлади,— деди Егор Михайлович ва идора томонга кетди.

Поликей ўзи арзимаган, ёмон ном чиқарган, бунинг устига бошқа қишлоқлик одам бўлгани учун уни на калитдор, на буфетчи, на приказчик ва на оқсоч қўллаб-қувватларди. Хотин, бола-чақасидан бўлак кимсаси йўқ бечора эди, яшайдиган бўлмаси ҳамманикидан ёмон эди. У турган бўлгани мархум барин қурган эди: ўн газли гиштин уйнинг ўртасида рус печи турар, атроф (хизматкорлар тили билан айтганда) калитдордан иборат бўлиб, ҳар бурчакда тахта билан тўсилган бўлма бор эди. Бундан кўриниб турибдики, жой айниқса Поликей турадиган эшикка яқин бўлма жуда тор эди. Эр-хотиннинг қавилган кўрпа тўшалиб, чит авралик ёстиқ қўйилган тўшаги, бола ётган беланчак, устида овқат тайёрланадиган, кир ювиладиган, рўзгорнинг бутун лаш-лушлари қўйиладиган, Поликейнинг ўзи ҳам ишлайдиган (у ўтачи эди) уч оёқлик стол, бочка, кўйлак, товуқ, бузоқ ҳамда оиланинг етти аъзоси қўшилиб бўлгани шундай тўлдириб юборишардики, агарда умумий печнинг тўртдан бир қисми улар хизматида бўлиб, унда одамлар ҳам, буюмлар ҳам ётмаганда ё пиллапояга чиқишнинг иложи бўлмаганда жуда сиқилишиб қолишарди. Очигини айтганда, пиллапояга чор-ночор чиқишарди, чунки октябрь ойи совуқ, иссиқ кийимдан етти жонга биргина пўстиндан бўлак ҳеч нима йўқ эди, лекин шуниси бор эдики, болалар югуриб юриб, катталар ишлаб, улари ҳам, булари ҳам 40 даража иссиқ бўладиган печь тепасига чиқиб, исий олар эди. Бундай шароитда яшаш даҳшатдек кўринар, лекин улар нолимасдан, бир амаллаб яшаб келишарди. Акулина болалари билан эрини юиб-тарар, ямаб-ясқар, ип йигирар, бўз тўқир, тўқиган бўзини оқартирар, умумий печда овқат пишириб, нон ёпар, қўшнилари билан уришар, ғийбат қилишарди. Ойлик озиқ-овқат болаларгагина эмас, ҳатто сигирга солишга ҳам етарди. Утин ҳам, молга солинадиган ем-хашак ҳам бемалол эди. Пичанни отхонадан олишарди. Бир парча полизлари бор эди. Соғин сигир, товуқлари бор эди.

Поликей отхонада ишлар, икки айғирга қарар, отлардан ва қорамолдан қон олар, туёғини тозалар, ҳаром қонини чиқарар, ўзи кашф этган дори-дармонлар берар, шу ишлари учун қўлига чойчақа ва ем-хашак тушиб турар-

ди. Хўжайиннинг пичанидан ортиб ҳам турарди. Қишлоқда бир мужик бор эди, ҳар ой икки ўлчам пичанга, йигирма қадоқ қўй гўшти берарди. Дилгирлик бўлмаса, умуман, яшаш мумкин эди. Бутун оилада дилгирлик ошиб-тошиб ётарди. Поликей ёшлигидан бошқа қишлоқдаги от заводида ишлаган. У шогирдлик қилган отбоқар бутун даҳага номи чиққан ўғри эди: кейин уни сургун қилишган, Поликей ана шу отбоқарга шогирд бўлиб юриб, ёшлигига бориб ўшанақа *ими-жими* ишларга ўрганиб кетган, кейин ташлайман деб ҳарчанд урингани билан ташлаёлмаган. Уша маҳалда ёш бўлган, қаёққа эгса, шу ёққа эгилган, ота-онаси, ақл ўргатадиган кимсаси бўлмаган. Поликей ичишни яхши кўрар, лекин бирон жойда бирон нарсанинг қаровсиз ётишини ёқтирмасди. Хомут боғи дейсизми, эгарча дейсизми, қулф дейсизми, гупчак дейсизми ё бирон бошқа қимматроқ нарса дейсизми,— Поликей Ильич ҳаммасининг жойини топарди. Ҳамма жойда бу нарсаларни олиб, ўрнига ўрин ўзининг розилиги билан ё вино, ёки пул билан ҳақ тўланадиган одамлар топиларди. Бу халқ тили билан айтганда, мўмай пул топиш йўли. Бунинг учун на билим, на меҳнат — ҳеч нарса керак эмас, бир марта қилиб кўрсанг бас — бошқа ишга қўлинг бормаё қўя қолади. Бундай пул топишнинг битта ёмон томони бор: бу йўлда осон ва қулайгина пул топилгани, оламда яшаш қаймоқдаккина бўлгани билан вақти келиб, бу ҳунар учун ёмон одамлар шундай кунини кўрсатишадикки, ҳаммаси учун бирваракайига жавоб беришга, дунёга келганинга минг марта пушаймон бўлишга тўғри келади.

Поликейнинг аҳволи шундай бўлди. Поликей уйланди, худо бахтини берди: хотини, молбоқар қизи, забардаст, ақлли, меҳнаткаш хотин чиқди, бири биридан яхши болалар туғиб берди. Поликей бўлса ҳамон ўша касбини ташламас, иши ўнгидан келиб юраверарди. Тўсатдан иш чаппа кетди-ю, қўлга тушиб қолди. Қўлга тушганда ҳам арзимаган нарса билан илинди: бир мужикнинг тизгинини беркитиб қўйган эди. Топиб олишди, калтаклашди, беканинг ёнига судраб боришди, шушу унга кўз-қулоқ бўлиб юрадиган бўлишди. Яна бир бор тутишди, учинчи марта қўлга туширишди. Халойиқ изза қилди, приказчик солдатликка жўнатиб юбораман деб дўқ урди, бека койиди, хотини йиғлаб-сиқтади; иш-

лар чашпасига кетди. Ўзи очиқкўнгил, яхши одам эди-ю, бир камчилиги бор эди, ичкиликни яхши кўрарди, шундай ўрганиб қолган эдики, сира ташлай олмасди. Маст бўлиб келганида хотини уришар, ҳатто урган пайтлари ҳам бўларди, у бўлса юм-юм йиғларди, холос. «Бахти қароман,— дерди у шундай пайтларда,— энди нима қилай? Энди ташлайман, кўзим чиқсин агар ичсам». Қарабсизки, орадан бир ойга яқин фурсат ўтгач, яна уйдан чиқиб кетади, ўласи маст бўлиб, икки кун гоийиб бўлиб юради. «Бунақа ичиш учун бирон жойдан пул топиш керак-ку», деб фикр юргизишади одамлар. Энг кейинги иши конторадаги соатни ўғирлаш бўлди. Конторада эски осма соат бор эди; юрмай қўйганига ҳам кўн бўлган эди. Бир куни Поликей очиқ турган конторага ёлғиз кириб қолгану соат кўзига яхши кўриниб, шаҳарга олиб тушиб сотган. Аксига юриб дўкондор, Поликей соат сотган одам, оқсочлардан бирининг қариндоши чиқиб қолган, ҳайит қилиб қишлоққа келгану соат воқеасини гапириб берган. Гўё бировга зарурати бордек сўраб-суриштириб кетишган. Айниқса приказчик Поликейни ёмон кўрган. Уни топишган. Бекага бориб айтишган. Бека Поликейни чақиртирган. Поликей дарҳол ўзини унинг оёғига ташлаган, хотини ўргатганидек қилиб тавба-тазарру қилган, ялиниб-ёлворган. Ҳаммасини жуда ўрнига қўйган. Бека панд-насиҳат қилган, худо ҳақида, яхшилик ҳақида, нариги дунё ҳақида, хотин, бола-чақа ҳақида хўп гапирган, ахири йиғлатган. Кейин:

— Сени кечираман, фақат бундан кейин асло бу йўлга юрмайман деб ваъда берасан,— деган.

— Оғзимга олмайман! Ер ютсин агар, қорним ёрилсин агар!— деган Поликей ва таъсирли қилиб йиғлаган.

Поликей уйига қайтиб келган, уйда ҳам кечгача печкада бузоқдек ўкириб ётган. Ўшандан буён Поликейнинг шу йўлга юрганини ҳеч ким билган эмас. Фақат шумшук бўлиб қолган: халойиқ унга бир ўғри деб қарар, рекрутликка одам юборини пайти келди дегунча, бир оғиздан уни кўрсата бошларди.

Поликейнинг ўтачилигини юқорида айтган эдик. Унинг тўсатдан қандай қилиб ўтачи бўлиб қолганини ҳеч ким билмас, ҳатто ўзи ҳам билмас эди. От заводидаги отхонада у гўнг тозалаш, баъзан от тозалаш

ва сув ташиш каби ишлардан нари ўтмаган эди. Шундай бўлгач, у ерда ўрганишнинг иложи йўқ. Кейин у тўқувчилик қилган; боғда ишлаган, йўлкаларни тозаллаган, сўнг бир гуноҳи учун гишт майдалаш билан шуғулланган; кейинчалик оброк бўйича юриб савдогарга қоровулликка ёлланган. Бундан кўриниб турибдики, бу ерда ҳам тажриба орттиришнинг иложи бўлмаган. Аммо уйда яшаб турган сўнгги вақт ичида унинг ғайритабиий ажойиб ўтачилиги ҳақида овозалар тарқала бошлади. У бир гал қон чиқарди, иккинчи гал чиқарди, кейин отни ётқизиб, сонини титкилади, кейин отни кундага боғлашни талаб қилди-да, отнинг типирчилашига, ҳатто чинқиришига қарамай, тўғини қон чиқаргунча кесди ва буни «туёқ тагидаги қонни чиқариш» деб атади. Кейин мужикка дарди енгиллашсин учун» иккала томирдан қон чиқариш зарурлигини уқтирди, сўнг шақилдоқ билан ўтмас ништарни ура бошлади; кейин хотинининг рўмоли ҳошиясини қоровул отининг қорни тагидан ўтказиб боғлади. Хуллас, у ҳар хил яраларга тўтиё сепадиган, шишалардаги суюқликларни суртадиган, баъзан тўғри келган нарсани ичирадиган бўлди. У отларни қанча кўп қийнаса ва қанча кўп ўлдирса унга шунча кўп ишониб кўпроқ от келтирар эдилар.

Мен ўзимча Поликейни мазах қилиш бизнинг «оға»ларимиз-жаноблар тоифасига ярашмайди деб ҳисоблайман. Ишонч уйғотиш учун у қўллаган усул, ота-буваларимиз ва ўзимизга ўз таъсирини кўрсатган, болачақаларимизга ҳам кўрсатади. Мужик кунига яраб турган, оиласининг бир аъзосидек бўлиб қолган биттаю битта биясининг бошига қорнини тираб уни ушлаб, Поликейнинг енгини шимариб, чиллақдек қўллари билан отнинг айни оғриётган жойини босиб: «девонанинг ишини худо ўнгласин» қабилида ўзини қон, эт, пай, томир қаердалигини жуда яхши биладиган одамдек кўрсатиб, жонли танани шарт-шурт кесишига қараб турар экан, тишида дорилик латта ёки тўтиё солинган шиша тишлаб олган Поликейнинг ҳеч балога ақли етмай, шу ишларни қилаётганини хаёлига ҳам келтирмасди. Мужикнинг ўзи асло шундай қилолмасди. Отнинг танаси кесилгандан кейин эса у бекор кестирдим деб ўзини ҳеч қачон койимайди албатта. Сизнинг қандайлигингизни билмайману, лекин мен илтимосимга кўра доктор юрагимга яқин кишиларни қийнаганда ўзимни худди

шундай ҳис қилганман. Ништар, симоб солинган сирли оқиш шиша ва: *чилчак, почечуй, қон чиқариш, эт* ва шу каби сўзлар, *асаб, бод, организм* ва шунга ўхшашлар дегани эмасми? *Wasche du zu irgen und zu träumen*¹— бу шоирлардан ҳам кўра кўпроқ докторлар ва ўтачиларга қарата айтилган гап эмасмикан.

III

Октябрнинг совуқ қоронғи кечаси контора ёнида тўпланган оломон аскарликка кимни юборишни маслаҳатлашиб ғала-ғовур кўтарган пайтда, Поликей каравот четига ўтириб, столда ҳар хил нарсаларни шиша билан эзиб, отнинг қандай касалига даво бўлишини ўзи ҳам билмаган дори тайёрларди. Бу ерда хром симоби, олтингугурт, глаубер тузи, шунингдек, Поликей бир вақтлар ўзича жўткирув касалига даво деб билиб йиғиб юрган, бу бошқа касалликларни даволашда ҳам ортиқчалик қилмайди, деб ҳисоблаган кўкат бор эди. Болалар ётиб қолишган эди: иккитаси печда, иккитаси каравотда, биттаси беланчакда ётар, Акулина эса, беланчак ёнида ип йиғириб ўтирарди. Хўжайинга қарашли очиқ-сочиқ ётган ёғоч шамдондаги шам қолдиғи деразада турар, Акулина эса эри муҳим ишидан қолмаслиги учун ўқтин-ўқтин ўрнидан туриб қўли билан шамнинг учини тўғрилаб қўярди. Поликейни бемаъни ўтачи, бемаъни одам деб ҳисоблайдиганлар ҳам бор эди. Бошқа бирлари, яъни кўпчилик уни ўзи ёмон одам бўлса ҳам ўз ишининг устаси деб ҳисобларди. Акулина бўлса, эрини кўпинча уришиб, ҳатто уриб турса ҳам уни ҳеч сўзсиз уста ўтачи ва оламда энг яхши одам ҳисобларди. Поликей аллақандай доривордан бир сиқим тўкди. (У тарози ишлатмас, тарози ишлатадиган немисларни ўзича мазах ҳам қилиб қўярди.) «Нима, бу аптекамиди!» деб қўярди у. Поликей дорини қўлида чамалаб кўрди-да, силкитди; ўзича кам деб ўйлади шекилли, яна ўн карра шунча қўшди. «Ҳаммасини соламан, тезроқ тузалади», деди у ўзига ўзи. Ҳукмдорининг овозини эшитган Акулина буйруқ кутгандай дарҳол ўгирилиб қаради; лекин

¹ Хато ва орзу қилмоққа интили (Немисча.)

ишнинг ўзига алоқаси йўқлигини кўриб, елкасини қисди: «Оббо, билагон-э! Қаёқдан биларкин-а!» деб ўйлади-да, яна ип йигиришга тутинди. Доривордан бўшаган қоғоз стол тагига тушди. Акулина буни ҳам шу ҳолда қолдирмади.

— Анютка,— деб қичқирди у,— дадангнинг қоғози тушиб кетди, кўрдингми, ол дарров.

Анютка устига ёпиб қўйилган капот остидан ингичка яланг оёқларини чиқарди-да, мушук боладек стол тагига тушиб, қоғозни олди.

— Мана, адажон,— деди у ва муздек оёқлари билан яна ўрин ичига шўнғиди.

— Нега ғимиллайсан,— деб чийиллади синглиси уйқу аралаш тилини яссилаб.

— Хап, сенларними!— деб қўйган эди Акулина иккала боланинг боши капот остига кириб ғойиб бўлди.

— Уч сўлкавой беради,— деди Поликей шишанинг оғзини беркитаркан,— отни тузатаман. Тагинам арзон оляпман,— деб қўшиб қўйди у.— Бошингни бир қотириб кўр-чи; осон эмас! Акулина, Никитадан тамаки олиб кел. Эртага бераман.

Поликей шундай деди-да, қачонлардир бўялган аргувон ёғочдан қилинган, мундштук ўрнида сўргич қўндирилган трубкани иштонининг чўнтагидан олиб, чекишга ҳозирлай бошлади.

Акулина урчугини қўйди-да, ҳар вақтдаги ҳолатига хилоф ўлароқ, этаги ҳеч қаерга илинмай, чиқиб кетди. Поликей шкафчани очиб шишани олди-да, оғзига қўйди; ароқ йўқ эди. Поликей юзини буриштирди, хотини тамаки олиб келгач эса, трубкани тўлдириб чекиб юборди-да, каравотга ўтирди, унинг чеҳрасида кунлик меҳнатини тугатган киши бахтиёрлиги ва ғурури намоён бўлди. У эртага отнинг тилини тортиб туриб шу ажойиб дориини унинг оғзига қўйишини эсладими ёки керакли одамга ҳеч ким ҳеч нарсани йўқ демайди, мана Никита ҳам йўқ демабди, тамаки бериб юборибди, деб ўйладими, ишқилиб, кўнгли ёзилди, ўзини жуда хуррам ҳис этди. Шу пайт яккаю ёлғиз ошиқ-мошиққа илиниб турган эшик тўсатдан очилди-да, уларнинг бўлмасига юқорининг қизи, иккинчиси эмас, учинчиси, югурдакликка боққанлари кириб қолди. Ҳаммага маълумки, ўзи пастга жойлашган бўлса ҳам беканинг уйини ҳамма юқори деб атарди. Аксютка деб аталган бу югурдак қиз эса,

ҳамма вақт ўқдек учар, юрганида қўли букилмай худди соат капгири каби икки ёнида эмас, балки олд томонида ҳаракати тезлигига мос равишда чайқаларди; ёноқлари ҳамма вақт пуштиранг кўйлагидан ҳам қизил бўларди; тили ҳам ҳар доим оёғи сингари тез ҳаракат қиларди. Аксютка хонага отилиб кирди-да, негадир печани ушлаб туриб чайқала бошлади, бир гап бошлаганида бирданига икки, уч сўздан айтиб солишни ният қилгандек, Акулинага мурожаат қилиб туриб шуларни айтди:

— Бека буюрдиларки, Поликей Ильич дарров юқорига келсин, деб буюрдилар... (Аксютка тўхтаб чуқур тин олди.) Егор Михалич беканинг олдига келган эдила, некрутлардан гапирдила, Поликей Ильичниям гапирдила... Авдотья Миколавна дарров келсин деб буюрдила... (Яна чуқур тин олди) дарров кесин, деб буюрдила.

Аксютка Поликейга Акулинага, кўрпа тагидан бошларини чиқариб мўралаётган болаларга бир дам қараб қолди, кейин печда ётган ёнғоқ пўчоқни олиб Анюткага отди-да, яна бир бор: «дарров кесин деб буюрдила» деб такрорлаб, шамолдек отилиб хонадан чиқди, капгирга ўхшаш қўллари эса одатдаги тезликда унинг юрган йўлига кўндаланг равишда чайқала бошлади.

Акулина ўрнидан турди, эрига яна этигини олиб берди. Бу солдатларнинг этиги бўлиб, йиртиқ ва расво эди. Печдан кафтанни олиб, эрига қарамай туриб узатди.

— Ильич, кўйлагингни алмаштирмайсанми?

— Йўқ,— деди Поликей.

Эри этиги билан кўйлагини кийиб бўлгунча Акулина бир марта ҳам унинг юзига қарамади, қарамагани яхши бўлди. Поликейнинг ранги ўчиб кетган, пастки жағи титрар, кўзида эса фақат кўнгилчан, бўш ва гуноҳкор одамларда бўладиган йиғлоқилик, итоаткорлик ва бахтсизлик аломати ўйнардди. Поликей тараниб, энди чиқиб кетмоқчи бўлиб турган ҳам эдики, хотини уни тўхтатди-да, кўйлагининг чакмон устида осилиб ётган боғичини тузатди, бошига шапкасини кийдириб қўйди.

Шу пайт тўсиқ ордидан дурадгор хотинининг:

— Ие, Поликей Ильич, бека чақиртирган эканларда сизни?— деган овози эшитилди.

Шу бугун эрталаб Поликейнинг болалари тувакдаги ишқорни тўкиб юборгани туфайли дурадгорнинг хотини Акулина билан қаттиқ айтишиб қолган эди. Шунинг учун ҳам Поликейни бека чақиртирганини эшитган заҳоти яхшиликка чақирмаган-ку, албатта, деб севиниб кетди. Ўзи ориқ, тадбирли ва заҳар хотин эди. Ҳеч ким одамни бу хотинчалик гап билан янчиб ташлаёлмас эди; дурадгор хотини ўзи ҳақида шундай деб ўйларди.

— Шаҳарга харид қилгани юборишмоқчидир-да,— деб давом эттирди гапни у.— Ишончли одамни қидириб, сизни танлашганга ўхшайди, шунинг учун ҳам сизни юборишмоқчи бўлган. Агар шаҳарга тушсайиз, менга бир чорак чой ола келинг, Поликей Ильич.

Акулина кўз ёшини зўрға тийиб қолди, алаmidан лаби буришди. Қани энди, дурадгорнинг бу аблаҳ хотинининг сочини битталаб юлса. Лекин болаларига кўзи тушиб, шуларнинг етим, ўзининг эса бева-солдат хотини бўлиб қолиши мумкинлиги эсига тушиб, дурадгор хотинининг аччиқ-тиззиқ гапни унутди, қўли билан юзини тўсиб ўрнига ўтирди-да, бошини ёстиққа ташлади.

Қизалоқ пальтосини онасининг тирсаги тагидан тортиб олар экан:

— Ойизон, мени кисиб тўйдиз,— деди тилини ясси-лантириб.

— Улиб кетмайсанларми ҳамманг! Сенларни туғиб бошимга бало ортттирдим-ку!— деб қичқирди Акулина ва эрталабки ишқор воқеасини унутмаган дурадгор хотинини севинтириб, бутун хонани тўлдириб йиғлаб юборди.

IV

Орадан ярим соат вақт ўтди. Бола йиғлаб уйғонди, Акулина ўридан туриб уни эмизди. Акулина энди йиғламас, лекин ҳамон чиройли, ориқ юзига қўлини тираганича ёниб тугаётган шамга тикилар, нега эрга теккани, нега шу қадар кўп аскар кераклиги ва яна дурадгор хотинидан қандай қилиб аламини олишини ўйларди.

Эрининг оёқ шарпаси эшитилди; Акулина кўз ёшларини яхшилаб артди-да, унга йўл бериш учун ўрнидан турди. Поликей кеккайиб кирди, шапкасини каравотга ташлади, чуқур нафас олди-да, ечина бошлади.

— Ҳа, нима гап? Нега чақиринибди?

— Ҳм, нимага бўларди! Поликушкани ёмон дейдилару иш чиқиб қолса кунларига ким ярайди, Поликушка ярайди.

— Қанақа иш?

Поликей жавоб беришга шошилмасди; у трубкасини чекди-да, сўнг тупурди.

— Савдогарникига бориб пул олиб келишни буюрдилар.

— Пул олиб келишни?— деб сўради Акулина.

Поликей кулимсиради-да, бошини силкиди.

— Жуда гапга чечан-да! Ёмон номинг чиққан одамсан, лскин мен, бошқалардан кўра сенга кўпроқ ишонман, дейди. (Қўшнилар эшитсин деб Поликей атайлаб қаттиқ-қаттиқ гапирарди). Тузаламан, деб менга ваъда берган эдинг, дейди: сенга ишонишимнинг биринчи исботи шу: савдогарникига бориб пул олиб келасан. Мен бўлсам, хонимойим, биз ҳаммамиз сизнинг қулингизмиз, дедим, худо хизматига қанчалик тайёр бўсак, сизгаям шундай хизмат қиламиз. Шундай бўлгандан кейин, сиз ниманки иш буюрсангиз ҳаммасига розиман, бўйин товламийман; нима буюрсайиз ҳаммасини қиламан, ахир сизнинг қулингизман-да. (Поликей яна заиф, кўнгилчан ва айбдор киши табассуми билан жилмайиб қўйди.) Шундай қилиб, бажо келтираман дегин, деб сўради бека. Тақдиринг шунга боғлиқлигини тушунасанми? Буйруқни бажо келтириш қўлимдан келишига наҳотки ақлим етмаса? Мени ёмонлаган бўлсалар, бунақа қилиб ҳамманиям қораласа бўлади, мен бўлсам, ҳали ҳеч қачон гапизни икки қилган эмасман, буни хаёлимгаям келтирмаганман. Шундай ийдириб юбордимки, бека жуда юмшаб кетдилар. Сен мен учун энг ишончли одамсан, дедила. (У жим бўлиб қолди, боягидақа табассум чехрасида яна намоён бўлди.) У билан қандай гаплашиш кераклигини яхши биламан. Солиқ ундириб юрган пайтларимдаям шундай ишлар бўлардики! Фақат ўзим рўпара келиб бир гаплашсам бўлди, мойдек эриб кетарди.

— Кўп эканми пул?— деб сўради Акулина.

— Ярим минглыкдан учта,— деб бепарво жавоб берди Поликей.

Акулина бош чайқаб қўйди.

— Қачон бориш керак?

— Эртага борасан, дедилар. Хоҳлаган отингни олиб, конторага кириб учраш-да, йўлга чиқ, худо оқ йўл берсин, дедилар.

— Ўзингга шукур, худо!— деди Акулина ўрнидан туриб чўқинаётиб.— Худо мададкор бўлсин, Ильич,— деб қўшиб қўйди у тўсиқ ортидагилар эшитмасин, деб шивирлаб ҳамда эрининг кўйлаги енгидан ушлаб туриб.— Ильич, менга қара, йўлга чиқмасингдан аввал крестни ўйиб, бир қултум ҳам оғзингга олмасликка онт ич.

— Шунча пул билан йўлга ичиб чиқармидим бўлмасам!— пўнғиллади Поликушка.— Беканикида аллаким чунонам усталик билан фортепьяно чалдики, қўяверасан!— деб қўшиб қўйди у бир оз жим тургач, сал жилмайиб.— Ойимча бўлсалар керак. Бир куни шунақа уйларида бека билан гаплашиб турсам, ичкарида ойимча чунонам чалдиларки, қўяверасан. Шунақаям чалдиларки, эҳ, нимасини айтай! Қани энди менам чалсам. Қойил қилворардим. Жуда қойил қилардим. Мен бунақа ишларга чечанман. Эртага тоза кўйлак бер.

Шундай қилиб улар бахтиёр ётиб ухладилар.

V

Бу орада контора ёнига тўпланган йиғин ғала-ғовур кўтармоқда эди. Масала жиддий эди. Йиғинда мужикларнинг деярли ҳаммаси бор эди, Егор Михайлович бекага бориб учрашиб келганда улар бош кийимларини кийишган, тобора қизишиб қаттиқ-қаттиқ гапиришаётган эди. Ер-кўкни тутиб кетган вағир-вуғур қий-чув овозлар денгиз гувиллашига ўхшаб эшитилиб, бека деразасигача етиб келар, бека эса бундан қаттиқ момақалдироқ гумбурлаган вақтдагидек ваҳимага тушар эди. Унга даҳшатли кўринган, ғашини келтирган бу эмас. У олаговур кучайиб, бир бало бўлмаса гўргайди, деб жони ҳалак эди. Шу ишларни тинчгина, хотиржамгина, баҳс-сиз, бақир-чақир-қисиз,—«христианлик йўли билан, биродарлик ва беозорлик қонуни билан битириб бўлмайдигандек», деб ўйларди бека.

Чувир-чувир қилиб ҳамма баб-баравар гапирар, лекин Фёдор Резун деган дурадгор ҳаммадан қаттиқ бақирарди. Уларнинг оиласида иккита ишга яроқли одам бўлгани учун¹ Дутловларга ҳужум қиларди. Кекса Дутлов ўзини-ўзи ҳимоя қиларди; у оломон орқасида турган жойидан олдинга чиқиб ютиниб-ютиниб қўлларини кенг ёйиб, соқоли титраб, шу қадар манқаланиб гапирардики, нима деяётганини ўзи ҳам зўрға тушунарди. Унинг болалари билан жиянлари бири биридан кўркам йигитлар, унинг орқасида сиқилишиб туришар, кекса Дутлов эса, *калхат* ўйинидаги онабошини эслатарди. Резун эса, фақат Резунгина эмас, оиласига қарайдиган икки одами ёки бир одами борларнинг ҳаммаси, Дутловга ҳужум қилаётган жами йигин, калхат бўлмоқда эди. Нимага деганда Дутловнинг акаси ўттиз йил муқаддам солдатликка берилган бўлиб, эндиликда Дутлов оиласида ишга яроқли учта одами борлар қаторида бўлишни хоҳламас, акасининг ўша хизматини ҳисобга ўтказишларини ва уни оиласида ишга яроқли иккита одами борлар қатори умумий қуръага қўшишларини, шулар қаторигина учинчи рекрут олишларини истарди. Дутловдан ташқари оиласида ишга яроқли уч киши борлардан яна тўртта эди: лекин улардан бири староста бўлиб, бека уни ҳисобга киритмаган эди; иккинчи оиладан бўлса ўтган гал рекрут берилган; қолган икки оиладан икки кишини белгиланган бўлиб, уларнинг бири ҳатто йигишга ҳам келмаган, хотини бўлса, бир худодан бўлиб, бахтим кулиб боқармикан, деган умид билан ҳамманинг орқасида турарди; қолган икки кишидан бири, ўзи камбағал бўлмаса-да, йиртиқ чакмон кийган малла Роман бўлса, пиллапоя ёнида суяниб, бошини қуйи солиб жим турар, фақат аҳён-аҳёндагина ким қаттиқроқ гапирса шунга қараб қўярди-да, яна бошини қуйи соларди. Унинг туриш-турмуши бебахтлигидан дарак берарди. Кекса Дутлов шундай одам эдики, уни озгина бўлса-да, билган ҳар қандай одам унга ишониб юз, ҳатто минг сўмини ҳам бериб қўяверарди. У сипо, художўй, давлатманд одам эди; бунинг устига у черков старостаси ҳам эди. Шунинг учун ҳам унинг ҳозир бу қадар бўғилиб гапиршига ҳамма ҳайрон эди.

¹ Илгариги замонда қонунга кўра, тўнғич ўғил ва рўзгор тебратиб турган ёлғиз киши аскарликка олинмас эди.

Дурадгор Резун, аксинча, бўйдор, қорадан келган, жанжалкаш, бадмаст, довюрак ва айниқса йиғинларда, бозорларда хизматкорлар, савдогарлар, мужиклар ёки жаноблар билан тортишувларга, баҳслашувларга суяги йўқ эди. Ҳозир, у хотиржам, ачитиб-ачитиб гапирар, баланд бўйи, жарангдор овози ва нотиклик қобилияти билан қизишиб кетиб ўзининг кимлигини унутиб қўйган черков мутасаддисини изза қилиб қўярди. Баҳслашаётганларнинг бири: кулча юз, афтидан ёш кўринувчи, хумкалла, соқоли жингалак, норгул Гараська Копилов эди, у Резундан кейинги ёш авлод ичида гапдонлардан ҳисобланар, ўткир гаплари билан йиғинда обрў қозонган эди. Баҳсчиларнинг иккинчиси Фёдор Мельничний эса ранги сариқ, ориқ, новча, букчайган мужик бўлиб, ҳали ёш, кўсароқ, митти кўз, тажанг, бадқовоқ, ҳамма нарсадан қийиқ топадиган, кутилмаган ва узуқ-юлуқ саволлари ҳамда мулоҳазалари билан йиғинни ҳайратга соладиган одам эди. Бу иккала гапдон Резун тарафдори эди. Булардан ташқари яна иккита маҳмадона ҳам аҳён-аҳёнда гапга араллашиб қўярди. Уларнинг бири: соддадил, қалин, малла соқол Храпков бўлиб, яккаш: «Биродари азиз» деб гап бошлар, иккинчиси кичкинагина, қушбашара Жидков ҳам ўрни келса-келмаса: «Гап бундоқ, биродарлар», деб қўяр, ҳаммага мурожаат қилиб, силлиқ гапирса-да, биров тоғдан келса ўзи боғдан келарди. Улар гоҳ бирининг, гоҳ иккинчисининг тарафини олар, лекин ҳеч ким уларнинг гапига қулоқ солмас эди. Шунақалардан яна бор эди-ю, лекин бу иккаласи халойиқ орасида зир югуришар, уларнинг гапига парво қилишмаса ҳам ҳаммадан кўп қичқириб, бекани ваҳимага солишар, шовқин-суронда жазавалари тутиб, зўр бериб тил қайрашар, валақлашар эди. Жамоат ичида феъл-атвори турлича бўлган яна анчагина одам бор бўлиб: бирлари гамгин, бошқалари одамшаванда, беғам, юрак олдириб қўйган эдилар, таёқ ушлаган мужиклар орқасида эса хотинхалаж турарди; лекин буларнинг ҳаммаси ҳақида, худо хоқласа, бошқа гал ҳикоя қиламан. Оломон асосан мужиклардан иборат бўлиб, улар бу йиғинда ўзларини худди черковдагидек тутишар, орқадагилари уй ишлари ҳақида, дарахтзорда қачон кўчат экиш тўғрисида шивирлаб гаплашишар, олаговур тугаб қолармикан, деб кутишар эди. Булардан ташқари бу йиғинга шунчаки келиб қолган давлатмандлар ҳам бор эди. Давлатманд-

лиги туфайли мужиклар: «қоринбой» деб аташадиган, баркашдек юзи йилтиллаб турадиган Ермил шунақалардан эди. «Оғизларингга сиққанча гапираверинглар, барибир менга ҳеч ким тегмайди. Тўрт ўғлим бор, лекин биронтасини ҳам олинмайди», деяётгандек гердайиб турган Старостини ҳам шу тахлит одамлардан эди. Гоҳ-гоҳ Қонил билан Резунга ўхшаган шаккоқлар уларга теккизиб гапришса, улар хотиржам, дахлсизликларига ишонч билан шартта-шартта жавоб қайтарардилар.

Дутлов қалхат ўйинидаги онабошига ўхшаб кетсада, унинг ўғиллари сира қуш боласига ўхшамас: ўзларини у ёқдан-бу ёққа урмас, чирқилламас, оталари орқасида хотиржамгина турар эдилар. Каттаси, Игнат ўттизда эди; иккинчиси, Василий уйланган, лекин рекрутликка ярамас эди; учинчиси: кунни кеча уйланган, ошпоққина, бетлари қип-қизил, чиройли пўстин кийган (у ямшиклик қиларди) жияни эса, халойиққа қараб-қараб қўяр, бу ишнинг ўзига алоқаси йўқдек шляпасини кўтариб, бошини қашир эди, ваҳоланки, қалхатлар худди ана шунини илиб кетмоқ пайида эдилар.

— Бунақа дейдиган бўлсак, менинг бувам ҳам солдатликка борган,— дерди Резун,— бунақада мен ҳам қуръани тап олмаслигим мумкин. Бунақа қонун йўқ, биродар. Амакиси ҳали қайтиб келмасидан, ўтган гал Мишенчин олиб кетишди-ку.

— Сенинг отанг ҳам, амакинг ҳам подшога хизмат қилган эмас,— дерди Дутлов унинг гапи адо бўлмай,— ўзинг бўлсанг, на жамоага хизмат қилгансан, майхўрликдан бошинг чиқмаган, ёмонлигингдан болаларинг ҳам ажралиб чиқиб кетишган. Ҳеч ким билан чиқишолмайсану, яна бошқаларнинг гийбатини қилсан, мен печани йил юзбоши бўлдим, старосталик қилдим, икки марта уйим ёниб кетди, ҳеч ким ёрдам бергани йўқ; эндиликда уй-жойлардан тиниб, ҳалол кун кўраётганимда мени хопавайрон қилиш керакми? Аввал акамни қайтариб беришлар. Ким билади, у тирикми. Ҳақ йўл билан, худо йўли билан ҳукм қилинлар, православлар, аллақандай бир мастинг гапига қулоқ солманлар.

Герасим бўлса Дутловнинг гапини бўлиб:

— Акангни гапирмасанг ҳам бўлади, уни яхшилик билан беришгани йўқ, ёмонлигидан хўжайинлар рекрутликка жўнатишган; уни баҳона қилмасанг ҳам бўлади,— дерди.

Герасимнинг гапи тугамасдан сариқ, новча Федор Мельничний олдинга чиқиб ғамгин гап бошлади:

— Хўжайинлар кимни хоҳласалар, шуни юборишади-да, кейин жанжални бир ёқли қилиш жамоанинг гарданига тушади. Жамоа сенинг ўглинг борсин дедими, бўлди, хоҳламасанг, бекадан илтимос қил, у балким менга сен бор дер, хотиним йўқ, бола-чақамни ёлғиз ташлаб, соч олдириб жўнаб кетарман. Шуям қонун бўлди-ю,— деди у зарда билан. Кейин яна қўлини силтаб, жойига бориб турди.

Ўглининг кетиши белгиланган малла Роман бошини кўтариб:

— «Ат-танг а!»— деб қўйди-да, аламига чидолмай пиллапояга ўтириб қолди.

Лекин булар, бараварига гапираётган овозларнинг ҳаммаси эмас эди. Орқада ўзаро гаплашиб турганлардан ташқари, фурсат ғаниматлигидан фойдаланиб қолишга бел боғлаган эзмалар ҳам бор эди.

— Худди шундай, православлар,— дерди кичкина Жидков Дутловнинг сўзларини такрорлаб,— христианлик йўли билан ҳал қилиш керак. Шундай, биродарлар, христианлик йўли билан ҳал қилиш лозим.

— Виждон билан ҳал қилиш керак, биродари азиз,— дерди кўнгилчан Храпков Копиловнинг сўзларини такрорлаб, Дутловнинг пўстинидан тортар экан,— хўжайинларнинг амри билан бўлган, жамоа сўзи билан эмас.

— Тўғри! Рост гапиряпти!— дейишарди бошқалар.

— Ким мастлик билан валдираяпти?— деб зарда билан сўради Резун.— Менга ичирибмидинг ёки йўлларда юмалаб қоладиган ўглинг ичирганми, майхўрлигимни юзймга соласизлар? Бир қарорга келиш керак-да, ахир. Дутловни қолдирадиган бўлсангиз, оиласида ишга яроқли икки кишиси борларга ҳам тегмай, рўзгор тебратиб турган ёлғиз одамларни белгиланг-да, кулги бўлинг.

— Дутлов боради! Гап битта!

— Бўлмаса-чи! Оиласида ишга яроқли учта одами борлар олдин чек олиши керак,— деган овозлар янгради.

— Ҳали бека нима дер эканлар. Егор Михалич, хизматкорлардан юборсалар керак, деган эди,— деди аллаким.

Бу хабар баҳсни бир оз тўхтатди, лекин кўп ўтмай

баҳе яна қизигандан қизиб, одамлар бир-бирларидан аламларини ола бошладилар.

Боя Резун йўлларда юмалаб қолади деган — Игнат, ўткинчи дурадгорларнинг аррасини ўғирлаб қўйганини, мастлик билан хотинини уриб, ўлдириб қўяёзганини Резуннинг юзига сола бошлади.

Резун бўлса хотинини мастлигида ҳам, ҳушёрлигида ҳам барибир уришини, шунда ҳам кўнгли тўлмаслигини айтиб ҳаммани кулдирди. Арра масаласига келганда эса у тўсатдан хафа бўлди, Игнатга яқинроқ бориб:

— Ким ўғирлади?— деб ўшқира кетди.

— Сен ўғирладинг,— деб дадил жавоб қайтарди зарбардаст Игнат ва унга яна ҳам яқинроқ келди.

— Ким ўғирлади? Узинг эмасми?— деб қичқирди Резун.

— Йўқ, сен!— деб қичқирди Игнат.

Аррадан кейин гап ўғирланган отга, бир қоп сулига, Селишчедаги бир парча еру яна аллақандай мурдагача бориб етди. Икки мужик бир-бирига шунақанги тухмат қилдики, гапларининг юздан бири рост бўлганда ҳам қонуи бўйича иккови шу замоноқ Сибирга кўчириб юборилиши керак эди.

Кекса Дутлов бу орада бошқача бир ҳимоя йўлини таплади. Углининг шовқин солишини ёқтирмай тинчтишга уринар: «Қўй энди! Сенга айтяпман», деб қўяр, ўзи эса учала ўғли билан турадиганларгина эмас, бўлак бўлиб чиқиб кетиб, алоҳида яшайдиганлар ҳам оиласида учта ишга яроқлилар қаторига киришини ишотларди. Бу гапи билан у Старостинларга шама қилди.

Старостин жилмайди, томоқ қирди, бадавлат мужиклардақа соқолини силади-да, худонинг хоҳиши шу экан, деган маънода жавоб берди. Унга тегилмасин, дейилган экан, бундан чиқди, ўғли худо ярлақанлардан экан.

Бўлак бўлиб чиқиб кетган оилалар масаласига келганда Герасим ҳам Дутловнинг далилларини бир пул қилди, эски хўжайиннинг вақтидагидек бошида бўлак бўлишга ижозат бермаслик керак эди, тўйдан кейин ноғара чалишга ўрин йўқлигини айтиб эндиликда ёлғизқўлликларни юборишмайди деб уқтирди.

— Бўлак бўлиб чиққан бўлсак, бекордан-бекор бўлак бўлибмизми? Нима, энди бизни хонавайрон қилиш

керакми?— дейишди бўлак бўлиб чиққанлар, эзмалар уларга қўшилишди.

— Хоҳламасанг рекрут сотиб ол. Кучинг етади!— деди Резун Дутловга.

Дутлов жаҳл билан чакмонига ўраниб олди-да, бошқа мужикларнинг орқасига ўтиб кетди.

— Чўнтагимдаги пулни санагандек гапирасан-а,— деди у жаҳл билан.— Қани, Егор Михалич беканинг ёнидан келсинлар-чи, ҳали нима деркинлар.

VI

Дарҳақиқат, Егор Михайлович шу тобда уйдан чиқди. Одамлар шапкаларини бирин-кетин бошларидан олишди, приказчик яқинлашган сайин, тепакал ёки пешонасидаги сочлари тўкилиб кетган, баъзиси оппоқ, баъзиси ярим оқарган, қизғиш, қора, малла сочли бошлар яланғочланди, овозлар аста-секин тина бориб, ахири жимлик чўкди. Егор Михайлович зинапояга чиқди-да, гапирмоқчилигини айтди. Узун сюртугининг олдинги чўнтагига қўлини ноқулай тиқиб олган, фуражкасини пешонасига бостириб кийган Егор Михайлович баландликда оёқларини кериб турар ва нима дейишини кутиб турган мана шу, кўпчилиги кекса, кўпчилиги чиройли, серсоқол одамлар қаршисида боя бека олдида тургандагидан бутунлай бошқа қиёфада турарди. У савлат тўкиб:

— Беканинг гаплари шу, йигитлар: хизматкорлардан биронтасини беришни истамайдилар, ораларингиздан кимни жўнатишни белгиласангиз, ўша боради. Бу гал уч киши бориши керак. Аслида-ку, икки яримта тушган-а, яримтаси олдиндан бора қолади. Барибир бу гал бормаса, кейинги гал бориши керак,— деди.

Одамлар:

— Тўғри! Шундай бўлиши керак!— деб чуввос кўтарди.

— Менинг фикримча,— деб давом этди Егор Михайлович,— Хорюшкин ва Митюхинларнинг Васькаси бориши керак,— бу иш худога ҳам хуш келади.

— Худди шундай, тўғри,— деб чувиллади одамлар.

— Учинчисига ё Дутловни, ёки оиласида ишга яроқли иккита одами борлардан биттасини юбориш лозим. Сизлар нима дейсизлар?

— Дутловлардан бири юборилсин,— деб шовқин солишди одамлар,— Дутловларнинг оиласида учта ишга яроқли одам бор.

Яна аста-секин галва кўтарилди, масала яна аравадан тортиб, Селишчедаги бир парча ергача ва бека ҳовлисидаги ўғирланган аллақандай сурпгача бориб тақалди. Егор Михайлович йигирма йилдан буён ер-мулкка бошқарувчилик қилар, ўзи ақлли, тажрибали одам эди. У чорак соат чамаси индамай қулоқ солиб турди, сўнг тўсатдан ҳаммага жим бўлишни, Дутловларга эса уч оғайнидан қайси бири кетиши ҳақида қуръа ташлашни буюрди. Қуръа тайёрлашди, Храпков силкитиб турган шляпадан қуръани ола бошлади, қўлига Илюшанинг қуръаси чиқди. Ҳамма жим бўлиб қолди.

— Меникими? Қани, кўрсат-чи,— деди Илья синиқ товушда.

Ҳамма жим эди. Егор Михайлович эртагача рекрутлик пулини, етти тийиндан ўлпон келтиришни буюрдида, масала тугаганини айтиб, йигинни тарқатди. Оломон ҳаракатга келди, муюлишга етганда шапкасини кийиб, гўлдир-гўлдир гаплашиб, дукур-дукур юриб узоқлаша бошлади. Приказчик тарқалаётганларни кузатиб, зина-пояда турарди. Дутловнинг ўғиллари муюлишдан қайрилиб кетганда приказчик ўз-ўзидан тўхтаб қолган кекса Дутловни ёнига чақирди-да, бошлашиб кнторага кирди.

— Сенга ачинаман, қария,— деди Егор Михайлович стол ёнидаги креслога ўтираётиб:

— Навбат сенга келди. Жиянинг ўрнига рекрут солиб оласанми, йўқми?

Чол жавоб қайтармасдан Егор Михайловичга маънодор қараб қўйди.

— Бошқа иложи йўқ,— деди Егор Михайлович унинг боқинишга жавобан.

— Жон деб сотиб олардикку-я, лекин сариқ чақамиз ҳам йўқ-да, Егор Михалич. Ёзи билан икки отдан айрилдик. Жиянимни уйлантирдим. Ҳалол кун кўрганимиз учун пешонамизга шу ёзилган экан-да. Биров ўлай деса, у кулай дейди. (У Резуннинг гапини эслади.)

Егор Михайлович қўли билан юзини ишқалади-да, эснади. Бу гап жонига теккани, чой ичадиган пайти бўлгани кўриниб турарди.

— Шу кекса ёшинг билан гуноҳга ботма!— деди у.—

Ертўлангни бир титиб кўр, ажаб эмас, эски червонлардан тўрт юз сўм топилиб қолса. Талабгорлардан сенга шунақасини топиб берайки. Боя бир одам талабгор бўлиб турувди.

— Губернияданми?— деб сўради Дутлов, губерния дейиш билан шаҳарни назарда тутиб.

— Хўш, сотиб оласанми?

— Жон дердим-а, лекин худо ҳаққи...

Егор Михайлович уни гапиртирмади:

— Ҳам у қулоғинг билан, ҳам бу қулоғинг билан яхшилаб эшитиб ол, чол: Илюшка ўзини бир нима қилиб қўймасин тагин; бугунми, эртами, айтишим билан олиб борасан. Олиб борадиганам ўзингсан, жавобгарам ўзингсан, худо кўрсатмасин, бирон ҳодиса рўй бериб қолгудек бўлса, каттангич жўнатаман. Эшитдингми?

— Иккита ўғли борлардан олишнинг иложи йўқми, Егор Михалич, одамга жуда алам қиларкан,— деди у бир оз жим тургач,— акам солдатликда ўлиб кетди, энди келиб-келиб ўғлини олишяпти, худога нима ёзган эканман?— деди у йиғламсираб, приказчикнинг оёғига ўзини ташлашга тайёр ҳолда.

— Бўлди, энди бор, бор,— деди Егор Михайлович:— иложи йўқ, тартиб шунақа. Илюшкага кўз-қулоқ бўл: сен жавобгарсан.

Шундай қилиб, Дутлов хаёл суриб, ҳассаси билан йўлнинг дўнгликларини тўқиллатиб уйига қараб кетди.

VII

Эртасига саҳарлаб хизматкорлар пиллапоясин ёнида, пегадир Барабан деб аталган суякдор жийрон қўшилган арава тўхтади, унда приказчик юрар эди.

Поликейнинг катта қизи Анютка дўланадек-дўланадек ёгаётган ёмғир ва совуқ шамолга қарамай, жийроннинг калласи томонида кўрқа-писа бир қўли билан жировини тутиб, бир қўли билан эса бошига ёпиниб олган, оилада кўрпа, пўстин, қалпоқ, гилам, Поликейга пальто ва яна жуда кўп вазифаларни ўтовчи сарғимтир-яшил қацавейкани ушлаб турарди. Кулбада сафар ҳозирлигини кўришаётган эди. Ҳали қоронғи эди; ёмғирли куннинг тонгги ёғдуси, ҳар қаер-ҳар қаерига қоғоз ёпиш-

тирилган деразадан ғира-шира тушиб турарди. Печь ёнида нонушта тайёрлаётган Акулина қилаётган ишини ва совқотган болаларини қўя туриб (Акулина ҳали ўр-нидан турмаган кичкинтойлари устидаги адёлни елка-сига ташлаб, улар устига рўмолини ёпиб қўйган эди), эрини йўлга тайёрлаш билан овора эди. Қўйлак тоза эди. Таг чарми кўчиб кетган этик Акулинани айниқса овора қилиб қўйган эди. Дастлаб у бисотидаги бирдан-бир қалин жун пайпоғини ечиб эрига берди; ундан кей-ин, отхонада очиқ-сочиқ ётган, бундан уч кун бурун Ильич уйга олиб келган терликдан патак кесиб этикнинг тешигини беркитди ва шу йўл билан Ильичнинг оёғини зах ўтишдан сақлаб қолди. Ильич бўлса, каравотга чиқиб ўтириб олган, белбоғим кир арқонни эслатмасин, деб унинг тоза томонини ўгириб боғлаш билан овора эди. Боши билан баравар қилиб пўстин кийган, тилини чучук қилиб бидирлаб оёғи остида ўралашаётган ин-жиқ қизчани Никитанинг шапкасини сўраб олиб кел, деб уникига юборишди. Ильичнинг ёнига, менга шаҳар-дан игна, менга чой, менга ёғоч мойи, менга тамаки олиб кел деб илтимос қилиб келаётган хизматкорлар говур-гувур қилиб унинг бошини қотирардилар. Ша-ҳардан қанд ола келишини илтимос қилган дурадгор хотини эса Ильичнинг кўпглини овламоқ учун дарров самовар қўйиб юбориб, ўзи чой деб атаган суюқликни кружкада олиб келиб берди. Никита шапкасини берма-ди, шунинг учун Поликушка ўзиникини бир амаллаб эпақага келтирди; осилиб ётган пахталарини жой-жойига тикди, йиртиқ жойларини жуводиз билан яма-ди, шундан кейин кигиз патак солинган этигини киймоқ-чи бўлган эди, сигмай роса хуноб қилди, бу орада Анютка совқотиб Барабанны қўлидан чиқариб юбораёз-ди, шундан кейин унинг ўрнига пўстин кийган Машка келиб отни ушлаб турди, охири Машка пўстинини Аку-линага ечиб берган эди, у келиб жийронга қараб турди, хуллас, шунча оворагарчиликдан кейин ниҳоят Ильич, қацавейка билан *тухлисинигина* қолдириб, оиласининг деярли барча кийимини кийди-да, йиғиштириниб ара-вага ўтирди ва ўраниб олди, пичанни тўғрилади, сўнг яна бир бор ўраниб қўлига жиловни олди, сипо одам-лардек яна қаттиқроқ ўранди-да, аравани ҳайдаб кетди.

Пиллапояга югуриб чиққан ўғли Мишка аравага чи-

қаман деб хархаша қилди. Тилини чучук қилиб бидиллаётган Маска ҳам: «Манам алавага тусай, пўстин тиймасамам совимайман», деб ялина бошлади. Сўнг Поликей Барабани тўхтатиб майин табассумини намоён этиб жилмайди. Акулина бўлса болаларни аравага ўтқазаётиб энгашди-да, Поликейга қасамни унутмасликни, йўл-йўлакай ичиб-нетиб юрмасликни тайинлади. Поликей болаларини темирчилик ишхонасигача олиб бориб тушириб қолдирди. Сўнг яна ўраниб, шапкасини яна тўғрилади-да, отни оҳиста йўрттириб дўнгликларда кўтариб ташлаганда лунжи дириллаб оёғи билан арава тубини дукур тепиб йўлга тушди. Машка билан Мишка эса яланг оёқликларича шу қадар чинқиришиб уйга югуришдики, уларни кўрган кучукча думини қисиб, ангиллаб уйга қочиб қолди, бундан, Поликейнинг меросхўрлари яна бешбаттар чинқиришди.

Ҳаво ёмон эди, шамол юзга урар, ёмғирми, қорми ё дўллигини билиб бўлмайдиган алланарса Ильичнинг юзига жилов билан кўшиб чакмонининг енги орасига тикаётган яланғоч қўлига, бўйинчанинг чарм қопқоғига ва қулогини қисиб, кўзини юмаётган Барабанинг кекса бошига келиб уриларди.

Кейин бирдан тиниб қолар, бир дақиқа ҳаво ёришгандек бўлар; оқиш зангори булутлар равшан кўринар, қуёш Поликейнинг табассуми каби дудмал ва ғамгин мўралай бошларди. Лекин шунга қарамай Ильич ёқимли фикрлар билан банд эди. У, кўчириб юборишмоқчи бўлган, солдатликка жўнатамиз, деб пўписа қилган, тўғри келган ҳар қандай одам уриб-сўккан, ҳамма вақт ишнинг энг ёмонига рўпара қилинган бир одам эди. Энди уни *пул* олиб келишга, анчагина *пул* олиб келишга юборишди. Бека унга ишонади, энди у приказчикнинг Барабан кўшилган, беканинг ўзи юрадиган аравасида бир дарбон сингари боради. Поликей шу хаёллар билан банд экан, жойлашиб ўтириб олар, шапкасининг пахталарини тўғрилаб кўяр, сўнг яна ўранарди. Аммо Ильич ўзини давлатманд дабонга ўхшатиб катта хато қиларди. Тўғри, қайиш абзалли аравада ўн минглаб *пул* билан ўйнайдиган савдогарларгина юришини ҳамма билади; аммо бунинг бир лекини ҳам бор-да. Кўк ёки қора чакмон кийган соқолдор бир одам, тўқ от кўшилган аравани ўзи ҳайдаб кетяпти дейлик: шундай бир қарайсизу оти тўқми, ўзи тўқми, қандай ўтирибди, оти қан-

дай қўшилган, араваси қай даража озода, белбоғини қандай бойланганини кўришингиз билан мужикнинг қўлида неча пул ўйнашини, минг сўмлаб савдо қиладими ёки юз сўмлаб биласиз-қўясиз. Поликейга — унинг қўлига, юзига, яқинда қўйган соқолига, белбоғига, яшикка юзигагина солинган пичанга, ориқ Барабанга, гилдиракнинг сийлиб кетган резинасига яқинроқдан туриб бир қараб қўйган ҳар қандай тажрибали одам аравада кетаётган кишининг савдогар ҳам, молжаллоб ёки дарбон ҳам эмас, балки оддий бир қарол эканлигини, қўлида минг ёки юз сўм у ёқда турсин, ўн сўм ҳам ўйнамаслигини билиб оларди. Лекин Ильич бундай деб ўйламас, адашарди бу адашувни кўнгилли эди. У қўйнига бир ярим мингни солиб қайтади. Хоҳласа, Барабани уй томонга эмас, Одестага қараб ҳайдаши, кўнгли тилаган ишни қилиши мумкин. Лекин у асло бундай қилмайди, пулни тўла-тўкис бекасига олиб бориб беради ва бундан кўп пуллари ҳам олиб келиб юрганмиз, дейди. Майхонага етганда Барабан чап тизгинни тортиб тўхтаб бошлади; лекин Поликей, ёнида харид қилишга берилган пули борлигига қарамай, Барабанга бир қамчи урди-да, йўлини давом эттирди. У бошқа майхона ёнида ҳам худди шундай қилди, кун пшинга етганда аравадан тушиб, бекасининг одамлари тўхтайдиган савдогар уйининг дарвозасини очиб аравасини олиб кирди, отни бўшатиб охурга боғлади, савдогарнинг хизматкорлари билан бирга овқатланиб, қандай муҳим иш билан келганини ҳикоя қилиб берди, сўнг шапкасидаги хати билан боғбон ёнига кетди. Поликейни биладиган боғбон хатни ўқигач, шубҳаланди ва ростдан пул олиб келишни буюришганмиди, деб ундан суриштирди. Ильич хафа бўлмоқчи эди-ю, лекин буни уддалай олмади, фақат ўша табассуми билан жилмайиб қўя қолди. Боғбон хатни яна бир ўқиб чиқди-да, пулни берди. Поликей пулни олиб қўйнига солди, сўнг қўнган уйига қараб кетди. На пивохоно ва на майхоналар уни йўлдан оздиrolди. Поликей аъзойи баданида қандайдир ёқимли титроқ ҳис этди, ҳавасни келтирувчи ҳар хил моллар, этиклар, чакмонлар, шапкалар, читлар, озиқ-овқатлар қалашиб ётган дўконлар ёнида неча бор тўхтаб-тўхтаб қолди. Ҳар гал бир оз тўхтаб турар ва ҳамма нарсани сотиб олишим мумкину, лекин олмайман, деган ёқимли ҳис билан нари кетарди. Қўни-қўшнилари илтимос қилган нарса-

ларни сотиб олиш учун Поликей бозорга борди, буюрилган нарсаларнинг ҳаммасини олди, кейин йигирма беш сўмга сотаман, деб турган ишланган пўстинни савдолашди. Пўстиннинг эгаси Поликейга қараб қўйди, пўстинни сотиб олишига ишонмагандай кўринди; Поликей бўлса унга қўйинини имо қилиб, истаса бутун дўконини сотиб олишга қурби етишига шама қилди, пўстинни кийиб кўришни талаб этди. Пўстинни эзиб кўрди, жунига пуфлади, ҳатто ҳидини ўзига сингдириб ҳам олдида, ахири бир хўрсиниб қўйиб ечди. «Жуда қиммат-ку. Ўн беш сўм камига бер», деди Поликей. Савдогар пўстинни зарда билан столга ташлади, Поликей бўлса, кайфи чоғ бўлиб қўнган уйига қараб кетди. Кечки овқатни еб, Барабанны суғориб, олдига сули солдида, печга чиқиб қўйнидан конвертни олди, анчагача томоша қилиб ўтиргач, саводли қоровулдан адреси ва: «Минг олти юз ўн етти сум қоғоз пул солинган» деган ёзувини ўқиб беришни сўради. Конверт оддий қоғоздан ясалган бўлиб, лангар сурати туширилган қўнғир *сўрғичдан*: ўртага каттакон, четларида тўртта печать босилган, ён томонига эса сўрғич томган эди. Ильич шуларни бир-бир кўздан кечириб, ёд қилиб олди, ҳатто қоғоз пулнинг қиррали четларини ушлаб ҳам кўрди. Қўлида шундай катта пул борлигига иқрор бўлиш унга қандайдир, болаларга хос ҳузур бахш этарди. У конвертни шапкасининг йиртиғига тиқди, шапкасини эса боши тагига қўйди-да, ётди; лекин у кечаси ҳам тинч ухлай олмади, бир неча бор уйғониб, жойидалигига ишонч ҳосил қилмоқ ниятида шапкани ушлаб-ушлаб қўйди. Конвертнинг жойидалигига ишонч ҳосил қилганда ҳар гал унда ёқимли бир ҳис уйғонар, у ўзи, яъни шармандаси чиққан, ҳамма хафа қилган Поликей шундай катта пулни олиб кетаётганидан ва бу пулнинг бир тийинини камайтирмай, приказчикдан ҳам кўра бут элтиб топширажагидан ўзида йўқ хурсанд эди.

VIII

Савдогарнинг хизматкорлариям, Поликей ҳам ярим кечага яқин мужикларнинг дарвозани тақиллатиб қичқирिशлари билан уйғониб кетишди. Булар Покровскийдан келтирилган рекрутлар эди. Улар ўнтача эдилар: Хорюшқин, Митюшқин ва Илья (Дутловнинг жияни),

ёлланганлардан икки киши, оқсоқол кекса Дутлов ва кузатувчилар. Кулдада жинчиоқ ёнар, ошпаз хотин санам тагидаги сўрида ухларди. Ошпаз хотин сакраб туриб шамни ёқа бошлади. Поликей ҳам уйғонаётган жойида печдан энгашиб, кириб келаётган мужикларни кўздан кечира бошлади. Улар киришлари билан чўқинишиб сўрига ўтиришарди. Ҳаммалари шундай хотиржам эдиларки, ким кимни жўнатгани келганини англаб бўлмасди. Улар саломлашар, ҳангомалашар, овқат сўрашарди. Ичларида камгаплари, хомушлари ҳам бор эди; лекин бошқалари кайфлари бор шекилли, ҳаддан ташқари хушчақчақ эдилар, умри бино бўлиб оғзига ичимлик олмаган Ильянинг ҳам кайфи тарақ эди.

— Хўш, йигитлар, овқат еймизми, ухлаймизми?— деб сўради оқсоқол.

— Овқатланамиз,— деб жавоб берди Илья пўстинининг олдини очиб, сўрига ўтириб олиб.— Ароққа одам юбор.

— Бўлди, ароқдан гапирма энди,— деб жавоб қайтарди оқсоқол, унга, кейин яна бошқаларга мурожаат қилди:

— Нон билан тамадди қилиб қўя қолинглар, йигитлар. Одамларни уйготиб юрамизми?

— Ароқ топ,— деб такрорлади Илья ҳеч кимга қарамасдан. У гапидан ҳали-вери қайтмайдиган оҳангда қатъий гапирди.

Мужиклар оқсоқолнинг маслаҳатига юришди, аравадан нон олиб келиб ейишди, квас сўраб олиб ичишди, бирлари ерда, бошқалари печга чиқиб ётишди.

Илья аҳён-аҳёнда: «Ароқ топ деяпман, ароқ», деб такрорларди. Тўсатдан Поликейга кўзи тушиб қолди-ю:— Ильич, ҳей Ильич! Шу ердამисан, ошна? Мана, мени кўр, солдатликка кетяпман, ойм билан, хотиним билан хайрлашдим... Шундай ўкирдик! Солдатликка жўнатишяпти. Ароқдан қуй.

— Пулим йўқ,— деб жавоб берди Поликей.— Бир худодан бўлиб қайтарворишсаям ажаб эмас,— деб қўшиб қўйди Поликей уни юпатиб.

— Йўқ, биродар, мен қайиндек мусаффоман, ҳеч қанақа касалим йўқ. Нимага қайтаришсин мени! Подшога қанақа солдатлар керак тагин?

Поликей бир мужикнинг докторга червон тутқазиб, шу билан озод бўлиб кетганини сўзлаб берди.

Илья печга яқин сурилиб гапга тушиб кетди.

— Йўқ, Ильяч, энди тамом, ўзимам қолишни истамайман. Амаким жўнатди. Бўлмасам менинг ўрнимга бировни ёлламасмиди? Йўқ, ўғлини ҳам юборгиси келмайди, пулни ҳам қизганади. Мени бўлса индамай жўнатади... Энди ўзимам асло қолмайман. (Илья гамгинлик таъсирида ишонч билан оҳистагина гапирарди.) Фақат ойимга раҳмим келади; бечора йиглай-йиглай адойи тамом бўлди. Хотинимни ҳам хароб қилишди; энди шўри қурийди; солдат беваси бўлиб юради. Уйлантиришмагани яхши эди. Нега уйлантиришди мени? Эр-тага келишади.

— Сизларни нега бунча эрта олиб келишди?— деб сўради Поликей,— боя ҳеч гап йўқ эди, тўсатдан...

— Узини бир нима қилиб қўймасин, деб мендан қўрқияпти,— деб жавоб берди Илюшка жилмайиб.— Нимаям қилардим ўзимни. Солдатликда ҳам бир кунимни кўриб кетаман, фақат ойимга раҳмим келади. Нега мени уйлантиришди?— дерди у секин ва гамгин.

Эшик очилиб, тарақлаб ёпилди-да, доимо оёғига қайиқдай катта чориқ кийган кекса Дутлов шапкасини қоқа-қоқа кириб келди.

У чўқиниб олди ва қоровулга ўгирилиб:

— Афанасий, отга сули солмоқчи эдим; фонусинг йўқми?— деб сўради.

Дутлов жиянига қарамай хотиржамгина шам ёқа бошлади. У қўлқопи билан қамчисини белбоғига қистириб олган, чакмонининг устидан белини ихчам қилиб боғлаган эди; аравада келгандек кўринади; унинг чеҳраси кундагидек оддий, хўжалик ишлари билан банд ва осойишта эди.

Амакисини кўриб Илья жим бўлиб қолди, хомуш кўзларини сўрининг алақаерига тикканича яна оқсоқолга мурожаат қила кетди:

— Ароқ топ, Ермила. Вино ичгим келяпти.— Унинг овози зардали ва гамгин эди.

— Яна қанақа вино?— деди оқсоқол товоқдаги овқатини ер экан:— кўряпсан-ку, одамлар ейдиганини ебичиб ухлаб қолди; сен бўлсанг ғалва кўтарасан?

«Ғалва» сўзи Ильяга ғалва кўтаришни эслатди.

— Ҳой оқсоқол, ароқ бермайдиган бўлсанг, чатоғингни чиқариб юбораман.

— Бундай жим қилсанг-чи,— деди оқсоқол фонусни

ёқиб, энди нима бўлар экан деб қулоқ солиб, жиянининг болалигига ҳайрон қолгандек ачиниб қараб турган Дутловга мурожаат қилиб.

Илья кўзини ерга тикиб яна гап бошлади:

— Вино бер, йўғазам, чатоғингни чиқараман.

— Кўй энди, Илья!— деди оқсоқол мулойимгина.— кўй энди, бас қил.

Оқсоқол шу сўзларни айтиб улгурмаган ҳам эдики, Илья ирғиб турди-да, деразага муштлаб овози борича қичқирди:

— Гапимга қулоқ солмайсизми, мана бўлмасам!— У шундай деди-ю, иккинчи деразани ҳам уриб синдириш ниятида ўша ёққа ташланди.

Ильич икки юмалади-ю, печнинг бурчагига шундай тиқилиб олдики, суваракларни тумтарақай қилиб юборди. Оқсоқол қошиғини ташлаб Илья ёнига югуриб келди. Дутлов фонусни оҳистагина ерга қўйди, камарини ечди-да, тилини тақиллатиб, бошини чайқай-чайқай Илья томонга юрди. Оқсоқол билан қоровул дераза ёнига йўлатмаслик учун маҳкам ёпишиб олган Илья бўлса улар билан олишиб ётарди. Улар Ильяга ёпишиб, қўлини маҳкам ушлаб турардилар; лекин амакисининг камар ушлаб келаётганини кўриши билан Ильяга ўн ҳисса куч қўшилгандай бўлди, бир силтаб қутулиб чиқди-да, кўзларини олайтириб, муштини дўлайтириб Дутловга қараб юрди.

— Яқинлаша кўрма, аблаҳ, ўлдириб қўяман! Мени хонавайрон қилдинг, босқинчи ўғилларинг билан сен хонавайрон қилдинг мени. Нега уйлантиришди? Яқинлаша, ўлдираман!

Илюшканинг қиёфаси даҳшатли эди. Юзлари қипқизил, кўзлари олма-кесак терарди; ёш, бақувват гавдаси безгак тутгандек дир-дир қалтирарди. Бундай қараганда у, ўзини тинчлатишга уринаётган учала мужикни ўлдирмоқчи бўлаётгандек ва бу иш қўлидан келадигандек кўринарди.

— Акангнинг қонини сўряпсан-а, қонхўр.

Дутловнинг ҳамини хотиржам юзида алланарса ярқ этиб кетди. У олдинга бир қадам ташлади:

— Кўрнамак,— деб дўнғиллади у ва тўсатдан қаёқдандир кучга тўлиб бир силтаб жиянини маҳкам ушлади-да, биргаллашиб ерга қулади, оқсоқолнинг ёрдамида Ильянинг қўлини бурай бошлади. Улар шу алфозда

беш минутга яқин курашиб ётдилар; ниҳоят, Дутлов пўстинига маҳкам ёпишиб олган Ильянинг қўлини сидириб тушира-тушира мужиклар ёрдамида ўрнидан турди, ўзи туриб олгач, қўли орқасига бойланган Ильяни ҳам турғизди-да, бурчакдаги сўрига ўтқазиб қўйди.

— Яхши бўлмайди демабмидим,— деди у ҳамон ҳарсиллаб ва кўйлагининг белбоғини тузатиб:— ғалванинг нима кераги бор? Ҳаммамиз ўламиз. Бошининг тагига чакмон қўй,— деб қўшиб қўйди у қоровулга,— бўйни қотиб қолади йўғасам,— шундай деди-ю, фонусни олди, белини чилвир билан боғлади-да, яна отлари ёнига чиқиб кетди.

Сочлари пахлоқ бўлиб кетган, ранги ўчган, кўйлаги осилиб ётган Илья ўзининг қаердалигини англаб олмоқчи бўлгандек олазарак бўлиб хонани кўздан кечирарди. Қоровул ойна синиқларини йиғиштирди, совуқ кирма-син деб дераза синигига пўстин тика бошлади. Оқсоқол яна товоғи ёнига бориб ўтирди.

— Эҳ, Илюха, Илюха! Жуда ачинаман сенга! Лекин начора! Мана, Хорюшкин ҳам уйланган: ҳамма пешона-сига ёзилганни кўради-да.

— Лаънати амаким дастидан шу алфозга тушиб ўтирибман,— дея такрорлади Илья алам билан.— Ўзиникига жони ачийди... Ойим айтдила, приказчик некрут сотиб ола қол, дебди. Йўқ, гўрни кўнадими бунга, қўлим калталиқ қилади, дейди. Акам билан менинг бу уйга озмунча хизматимиз сингдими? Қонхўр!

Дутлов кулбага кирди, иконаларга қараб чўқинди, ечинди-да, оқсоқол ёнига бориб ўтирди. Хизматкор хотин унга квас билан қошиқ келтириб берди. Илья жим бўлиб қолди ва чакмонга ётиб кўзларини юмди. Оқсоқол Илья томонга имо қилиб, бошини чайқади. Дутлов қўл силкиди.

— Менда бўлса аярмидим? Туғишган акамнинг ўғли. Юрагим ўртаниб кетяпти-ю, тагин унга қонхўр қилиб кўрсатишгани ортиқча. Бу гаплар ҳаммаси хотинидан чиққан, ёш бўлсаям ўлгудек айёр хотин экан. Буларнинг пули кўп, некрут сотиб олишгаям қурби етади, деб ўша ўргатган. Бу бўлса менга таъна қилади. Болага шундай ачинаманки!..

— Жуда яхши бола-да!— деди оқсоқол.

— Ҳол-жоним қолмади. Эртага Игнатни юбораман, хотиниям келмоқчи эди.

— Майли, кела қолсин,— деди оқсоқол, сўнг ўрнидан туриб, печга чиқди.— Пул нима деган нарса? Пул қўлнииг кири.

— Қани ўша пулнинг ўзи?— деди савдогар хизматкори бошини кўтариб.

— Эҳ, пул-а, пул! Нималар қилишмайди шу пул деб,— деди Дутлов.— Одамлар пул деб гуноҳга ботади, эски китобларда ҳам шундай дейилган.

— Тўғри,— деб такрорлади қоровул.— Бир одамдан эшитган эдим: бир савдогар бўлган экан, жуда кўп пул йиғибди-ю, ҳеч нарсага сарф қилмабди; пулларини шундай яхши кўрарканки, уларни гўрига олиб кетибди. Улаётганида боши тагига кичкина бир ёстиқчасини қўйиб тобутга солишни васият қилибди. Ушанда ҳеч кимнинг хаёлига ҳеч гап келмабди. Кейин ўғиллари зир югуриб пулни қидиришибди-ю, қани энди топишса. Тўсатдан ўғилларидан бири, пуллар ўша ёстиқда бўлса керак, дебди. Тобутни кавлаб олишга ижозат олгани подшоҳгача боришибди, тобутни очишибди. Нима бўпти дегин? Очиб қарашса, ёстиқ бўм-бўш эмиш, тобутни қўнғиз босиб кетган эмиш; қайтиб кўмиб қўйишибди. Мана кўрдингми, пул одамни қандай ўйларга солмайди.

— Гуноҳга ботиради, бу турган гап,— деди Дутлов ва ўршдан туриб, худога сизина бошлади.

У сизиниб бўлгач, жиянига қараб қўйди. Илья ухлаб қолган эди. Дутлов унинг ёнига борди, қўлини ечди-да, ётди. Мужик бўлса ухлагани отлар ёнига чиқиб кетди.

IX

Ҳамма ёққа жимлик чўккач, Поликей, гуноҳкор одамдай оҳистагина печдан тушди-да, йўлга ҳозирлик кўра бошлади. Рекрутлар билан бир ерда тунаш унга негадир даҳшатли туюларди. Хўрозлар дам-бадам қичқира бошлаган, Барабан эса сулисини еб бўлиб, энди ардобга ўтган эди. Ильич уни эгарлади-да, мужиклар араваси ёнидан олиб ўтди. Шапка ҳам, ичига яширилган нарса ҳам ўз ўрнида эди, арава гилдираклари Покровский томонга бориладиган музлаган йўлда тарақатуруқ қилиб юриб кетди. Шаҳардан чиққандан кейингина Поликей ўзини енгил ҳис этди. Шунгача худди орқасидан

қувиб келишаётгандай, уни тўхтатиб, қўлини орқасига боғлаб, эртага Ильянинг ўрнига штабга элтиб топширишаётгандай бўлаверади. Совуқ еганиданми, қўрққаниданми, ишқилиб, эти увишар, ўзи эса зўр бериб Барабанга қамчи босарди. Поликейнинг бир кўзи кўр хизматкорини эргаштириб келаётган, қулоқчинли попни кўриб, юраги орқасига тортиб кетди. Лекин шаҳардан чиққач, бу ваҳима секин-аста тарқалди. Барабанинг юриши секинлашди, олдинда йўл кўзга ташланди; Ильич шапкасини ечиб пулни пайпаслаб кўрди. «Қўйнимга солиб олсаммикан?— деб ўйлади у:— белбоғни ечиш керак-да. Тепаликка етайлик, кейин аравадан тушиб тўғрилаб оламан. Шапканинг тепаси бутун, астаридан паства тушиб кетмайди. Уйга етгунча шапкани ечмайман-қўяман». Тепаликка етганда Барабан ўзидан-ўзи йўртиб кетди. Барабан сингари уйга тезроқ етишни орзу қилган Поликей бўлса унга монелик кўрсатмади. Ишлар жойида эди; Поликейнинг назарида шундай кўринган эди, шу сабабдан ҳам у бекасининг миннатдор бўлиши, беш сўлкавой ҳадя қилиши, уйдагиларнинг севиниб-қувониши ҳақида хаёл суриб кетди. У шапкасини бошидан олди, яна бир бор хатни пайпаслаб қўйди-да, шапкасини қаттиқроқ бостириб кийди ва жилмайиб қўйди. Шапканинг ямоғи жуда чурук бўлиб, кеча Акулина йиртиғини яхшилаб ямаган эса-да, иккинчи томони ситилиб кетган эди. Поликей қоронғида шапкани бошидан олиб пул билан хатни пахта тагига чуқурроқ итариб қўймоқчи бўлган эди, ямоқ сўкилиб кетиб, конвертнинг бир учи кўриниб қолди.

Тонг ота бошлади, кечаси билан мижжа қоқмаган Поликей эса мудраб кетди. У шапкасини пешонасига бостириб кийиб, бу билан хатни йиртиқдан яна кўпроқ чиқариб юборди, мудроқ аралаш бошини дўқ-дўқ арава тахтасига уриб ўтирарди. Поликей уйига етгандагина уйғонди. Уйғонди-ю, жон ҳолатда шапкасига ёпишди: шапка бошида маҳкам турарди; конверт жойидалигига ишончи комил бўлган Поликей шапкасини ечмадиям. У Барабанга қамчи босди, пичанни тўғрилади-да, ўзига дарбон тусини бериб, теварак-атрофга мағрур боққанича, силкича-силкина уйи томонга кетди.

Ана ошхона, ана уйлари, ана дурадгорнинг хотини бўз олиб келяпти, ана контора, ана беканинг уйи. Ҳозир Поликей шу уйга боради, ўзининг ишончли, ҳалол

киши эканлигини «ҳар кимни ҳам бекорга бадном қилишлари мумкинлигини» исбот қилади, бека бўлса: «умрингдан барака топ, Поликей, мана сенга уч...» дейди, балким беш сўлкавой берар, ўн сўлкавой берворсаям ажаб эмас, кейин Поликейга чой беришни, балким ароқ қўйиб беришни буюрар. Совуқ еб келган одамга ароқ ортиқчаллик қилмайди. Ун сўлкавойга эса ҳайитда ялло қиламиз, этик сотиб оламиз, тўрт ярим сўлкавойини Пикиткага бериб қарздан қутуламиз, сўрайвериб жуда жондан тўйдириб юборди... Уйига юз қадамча қолганда Полкей чакмонининг барини ёпди, белбоғини тўғрилади, шапкасини ечиб сочини текислади-да, қўлини бамайлихотир шапкасининг астари ичига тикди. Пайпаслаб кўрди, кейин шоша-пиша титкилай бошлади, иккинчи қўлини ҳам астар ичига тикди; ранги докадек оқариб кетди, бир қўли шапкани тешиб чиқди... Поликей чўнқайиб олди, отини тўхтатди, аравани, пичанни, қилган харидлари орасини титкилай кетди, қўйинни, чалворини пайпаслади: ҳеч қаерда пул йўқ эди.

— Шўрим қурсин! Бу қандай гап?! Энди нима бўлади!— ўкириб юборди у сочини юлиб.

Лекин шу замоноқ кўриб қолишлари мумкинлигини эслаб, дарҳол Барабани орқага қайтарди, шапкасини бостириб кийиб, ҳайрон қолган ва норизо Барабани келган йўлига ҳайдаб кетди.

Барабан:

«Шу Поликей билан юришни ёқтирмайман-да. Умрида бир марта вақтида едириб-ичирди-ю, шундаям охирига келиб мана мунақа алдади. Уйга етиб ола қолай деб ўлгудек югурдим-а! Чарчадим, пичанларнинг ҳиди энди димоққа урганда яна орқага ҳайдаб кетяпти»,— деб ўйлаган бўлса ҳам ажаб эмас.

— Чух, ҳаром қотгур!— деб қичқирарди аравада тикка туриб олган Поликей йиғламсираб. У зўр бериб жиловни тортар, Барабан устига қамчи ёғдиарди.

X

Шу куни кечгача Покровскийда ҳеч ким Поликейни кўрмади. Тушликдан кейин бека уни бир неча бор сўратди, Аксютка Акулина ёнига югуриб-елиб, келиб-кетиб турди: Акулина бўлса, Поликей ҳали келгани йўқ, сав-

догар тутиб қолгандир ё отга бир нима бўлгандир деб жавоб берди: «Оқсоқланиб қолган бўлса-я?— дерди у:— ўтган гал Максим шу алфозда бир кеча кундуз юриб пиёда келган экан!» Бу жавобдан сўнг Аксютка яна моки сингари беканинг уйи томон югурар, Акулина бўлса эрининг ҳалигача келмаганига турли сабаблар ўйлаб топар, ўзини юпатишга уринар,— лекин бунинг урдасидан чиқа олмасди! Юраги шундай ғаш эдики, эртанги ҳайитга тайёргарлик кўриш ниятида қилаётган иши сира юришмас, қўли ишга бормасди. Бунинг устига дурадгор хотини: «Ильичга ўхшаган бир одам қишлоқ чеккасигача келди-да, кейин аравасини орқага қайтариб кетди» деб ишонтирганидан кейин, айниқса, азобга тушиб қолди. Болалар ҳам ташвишланиб, сабрсизлик билан дадаларини кутардилар. Лекин буларнинг илинжи бошқа ёқда эди. Анютка билан Машка галма-гал бўлса-да кийиб кўчага чиқиб келишадиган пўстин ва чакмондан айрилиб қолган ва шу сабабли, уй ёнида кўйлақчан югуриб-елишар, *уйда* яшовчи, кириб-чиқиб турган одамларга халақит беришарди. Бир гал Машка сув олиб келаётган дурадгор хотинининг оёғига келиб урилди, тиззага қаттиқ текканидан ўкириб юборди. У, сочидан юлиб калтаклаган эди, бешбаттар бақириб йиғлади. Ҳеч кимга урилмаган пайтида эса, тўппа-тўғри эшикка ўзини урар ва бочкачага оёқ қўйиб, печга чиқиб кетарди. Фақат бека билан Акулинагина Поликейдан ташвишланишарди; болалар эса унинг эгнидаги кийимининг ташвишини чекишарди. Егор Михайлович бўлса беканинг: «Поликей келгани йўқми, қаердайкин-а?»— деган саволига: «билмадим», деб жавоб қайтарар экан, илжайиб қўйди, тахмини тўғри чиқаётганидан хурсандлиги кўриниб турарди: «Пешингача етиб келиши керак эди», деди у маънодор қилиб. Шу куни кечгача Покровскийда Поликей ҳақида ҳеч ким ҳеч нима билмади; фақат кейинчалик билсалар, унинг катта йўлда бош яланг югуриб юргангани, ким кўрингандан: «Хат топмадингларми?»— деб сўраганини қўшни мужиклар кўришган экан. Бошқа бир одам уни аравага қўшилган отини боғлаб қўйиб йўл ёқасида ухлаб ётганини кўрган экан, «Мен уни маст бўлса керак деб ўйладим,— дебди у одам,— отининг биқини ич-ичига кириб кетган эдики, бир-икки кун боқилмагандек кўринди». Акулина кечаси билан мижжа қоқмади, қулоғини динг қилиб ўтириб

чиқди, лекин Поликейдан дарак бўлмади. Агар ошпази, чўриси бўлганда гами ўн ҳисса ошарди; хўрозлар қич-қириб, дурадгор хотини уйғониши билан Акулина чор-пачор ўрнидан турди-да, печь ёнида ғивирлай бошлади. Байрам куни эди: тонг отгунча нонни ёпиб олиши, квас пиширишни, кулча ёпиши, сигир соғиши, кўйлак ва энгил-бошларни дазмоллаши, болаларни ювиб-тараши, сув олиб келиши, қўшниси печни тамомила эгаллаб олмас-лигининг ҳаракатини қилиши керак эди. Акулина ҳамон қулогини динг қилганича шу ишларни бажаришга киришди. Тонг ёришдиям, черков қўнғироғи чалиндиям, болалар уйғонишдиям, лекин Поликейдан ҳамон дарак йўқ эди. Бир куни аввал совуқ эди, далани, йўлни ва томларни қор босган эди; бугун эса, ҳайит учун атайин бўлгандек, ҳаво очиқ, қуёш порлар, лекин изгирин эсиб турарди, узоқ-узоқлар равшан кўринар, овозлар яхши эшитиларди. Акулина печь ёнида уймаланишиб, кулча ёпиш билан шу қадар овора бўлиб кетган эдики, арава-да Поликейнинг келганини билмай қолди, болалари ба-қириб-чақиритганидагина эрининг келганини билди. Анютка, болаларнинг каттаси бўлганидан сочига мой суртди, ўзи кийинди. Бека берган янги, пушти чит кўй-лак кийган Анютка суратга ўхшар, қўши-қўшнилари кўзини куйдирарди; мой чашиб ташлаганидан сочлари ялтиларди; бошмоғи янги бўлмаса-да, ихчамгина эди. Машка эса ҳамон ўша мўйнали калта камзулида ифлос-лигича юрар. Анютка эгнимни кир қилиб қўймасин, деб уни ёнига йўлатмасди. Отаси тугун кўтариб келганда Машка ҳовлида турарди. «Дадам келдилар», деб чин-қириб юборди Машка ва Анютка ёпидан ғизиллаб ўтиб кета туриб, унинг кўйлагини булғатди. Анютка бўлса кўйлагининг кир бўлиб қолишига ортиқ парво қилмай Машкани дўппослай кетди, Акулина иш билан банд эди. У фақат: «Хап сенларними! Ҳаммангни дўппослайман!» деб қичқирди-ю, эшикка ўгирилиб қаради. Ильич қўлида тугун билан кириб келди-да, тўғри ўз бўлмасига ўтди. Акулинанинг назарида эрининг ранги ўчгандек, юзи эса йиғлаган каби ёки жилмаётган каби кўринди; лекин буни англаб олишга вақти бўлмади.

— Келдингми, Ильич, ишлар жойидами?— деб сўра-ди печь ёнидан туриб.

Ильич алланима деб мишғиллади, лекин Акулина уқиб ололмади.

— А?— деб қичқирди у.— Беканинг ёнига бордингми?

Ильич ўз бўлмасида, каравотда теварак-атрофга ёввойиларча боқиб, бахтсиз бир қиёфада, гуноҳкорона жилмайиб ўтирарди. У анчагача жавоб қайтармади.

— Нима гап, Ильич? Нега кечикиб қолдинг?— деди Акулина.

— Пулни бекага бердим, хўп миннатдор бўлди!— деди Поликей тўсатдан ва боягидан бешбаттар ташвишланиб аланглади, жилмайди. Унинг ташвиш ва саросимага тўлиқ кўзлари нуқул икки нарсага қадаларди: бу нарсалар беланчакка боғланган арқон ва гўдак эди. Поликей беланчак ёнига борди-да, ингичка бармоқлари билан шошқин бир суратда арқоннинг тугунини еча бошлади. Кейин кўзлари гўдакка қадалди; лекин шу маҳал тахтада кулча кўтариб Акулина кириб қолди. Ильич шошиб-пишиб арқонни қўйнига солди-да, каравотга ўтирди.

— Сенга нима бўлди. Ильич, безовта кўринасан?— деди Акулина.

— Уйқудан қолдим,— деб жавоб берди Поликей.

Тўсатдан дераза ортида бир нарса лип этди-да, бир зумдан кейин югурдак қиз Аксютка ўқдек отилиб кирди.

— Бека, Поликей Ильични дарров кесин дедила,— деди у.— Дарров кесин дедила Авдотья Миколавна... дарров.

Поликей бир Акулинага, бир қизга қаради.

— Ҳозир! Яна нима керак экан?— деди у. Поликей шу қадар бепарво гапирдики, Акулина тинчланди: бирон нарса ҳадя қилмоқчи бўлса керак, деб ўйлади.— Бориб айт, ҳозир бораман.— Поликей ўрнидан турди-да, чиқиб кетди; Акулина бўлса тоғорани олиб сўрига қўйди-да, эшик ёнида турган челақлардан ва печдаги қозонда қайнаётган сувдан солди, енгини шимариб сувга қўлини тикиб иссиқ-совуқлигини билган бўлди.

— Кел, Машка, чўмилтираман.

Аламига чидолмай турган қизалоқ ўкириб йиғлаб юборди.

— Бўл тез, ярамас қиз, тоза кўйлак кийгизаман. Тез бўл! Ҳали укангниям чўмилтиришим керак.

Бу орада Поликей югурдак қиз кетидан бека ёнига эмас, тамомила бошқа ёққа кетди. Даҳлизда, девор тагида чордоққа чиқиладиган тик шоти бор эди. Поликей

даҳлизга чиққач, ўгирилиб қаради, ҳеч ким кўринмагач, энгашди, югургандек бўлиб, эпчиллик билан шу шотидан тепага чиқиб кетди.

— Бу нима деган гап, ҳалигача Поликейдан дарак йўқ,— деди бека сочини тараб қўяётган Дуняшага тоқати тоқ бўлиб.— Поликей қани? Нега келмаяпти?

Аксютка яна хизматкорхонага югурди, яна даҳлизга отилиб кирди-да, Ильични бека чақираётганини айтди.

Машкани чўмилтириб бўлиб тоғарага чақалоқ ўғлини ўтқазиб, унинг чинқирганига қарамай, сийрак сочларини ҳўллаётган Акулина:

— Қачониди кетгани,— деб жавоб берди. Бола қичқирар, юзини буриштирар, заиф қўлчалари билан алланимани ушлаб олишга ҳаракат қиларди. Акулина битта қўли билан унинг биққагина, юшоқ елкасидан ушлаб турар, иккинчи қўли билан юварди.

— Қарагин-чи, у ер-бу ерда ухлаб қолган бўлмасин тагин,— деди Акулина ташвишланиб алангларкан.

Шу маҳал сочлари пахмоқ, кўкраги очиқ дурадгор хотини юбкасини ушлаб, қурисин деб ёйиб қўйган кўйлагини олгани чордоққа чиқди. Тўсатдан чордоқда «войдод» деган қичқирик эшитилди, ақлдан озган кишидек кўзларини юмган дурадгор хотини энгашиб шоша-пиша шотидан тушиб келди.

— Ильич!— деб қичқирди у.

Акулина қўлидан болани тушириб юборди.

— Ўзини осиб қўйибди!— деб ўкирди дурадгор хотини.

Акулина боланинг юзтубан коптокдек юмалаганиниям, оёқларини типирлатиб боши билан сувга шўнғиганиниям сезмай даҳлизга отилиб чиқди.

— Тўсинда... осилиб ётибди,— деб ёўлдиради дурадгор хотини ва кўзи Акулинага тушиши биланоқ жим бўлиб қолди.

Акулина шотига қараб югурди, уни тутиб қолишга улгурмасларидан чошиб чиқиб кетди ва даҳшат билан қичқириб жонсиздек гупиллаб шотига йиқилди, барча бўлмалардан югуриб чиққан халойиқ ушлаб қолмаганда, чилпарчин бўлиши турган гап эди.

XI

Ғала-говурда бир неча минутгача ҳеч нима англаб бўлмади. Ҳамма ёқни одам босиб кетган эди, ҳамма бақирар, ҳамма гапирар, болалар билан кампирлар йиғ-

лар, Акулина беҳуш ётарди. Ниҳоят эркаклар, дурадгор ва етиб келган приказчик тепага чиқиб кетишди, дурадгор хотини эса кўрганларини йигирманчи бор сўзларди «ҳеч нимадан беҳабар кўйлагимни олгани чиққан эдим, бир одамга кўзим тушиб қолди: яна қарадим: ёнида шапкасининг астари ағдарилиб ётибди. Бундай қарасам, оёғи чайқалиб турибди. Аъзойи баданимни муз босди. Ҳанг-манг бўлиб қолдим, биров ўзини-ўзи осиб қўйса-ю, шуни мен кўрсам-а. Ўзимни пастга отдиму нима бўлганини ўзимам билмайман. Худо ўзи бир асради-да. Рост, худо бир асради. Тавба! Шундай бир баланд жойдан йиқилсам-а! Тил тортмай ўлардим-да!»

Юқорига чиққанлар ҳам худди шундай дейишди. Ильич кўйлак-лозимда, беланчақдан ечиб олган ўша арқонда, тўсинда осилиб ётарди. Астари ағдарилган шапкаси ёнида ётарди. Чакмон билан пўстин ечилиб, тартибли қилиб тахлаб қўйилган эди. Оёғи ерга тегиб турар, лекин ҳаёт асари сезилмасди, Акулина ўзига келди-да, яна шотига қараб отилди, лекин уни ушлаб қолишди.

— Ойижон, Сёмканинг оғзига сув тиқилиб қолди,— деб чийиллаб қолди бўлмадан қизалоқ.

Акулина яна отилиб чиқди-да, бўлмага қараб югурди. Гўдак тоғорада юзтубан тушиб қимир этмай ётар, оёғи ҳам қимирламас эди. Акулина жон ҳолатда боласини кўтарди, лекин бола нафас олмас, қимир этмас эди. Акулина болани каравотга отди, қўлини иягига тиради-да, қаҳ-қаҳ уриб шундай қаттиқ кулиб юбордики, аввалига онасига қўшилиб кулаётган Машка ахири қулоқларини беркитганича додлаб йиғлаб даҳлизга чиқиб кетди. Халойиқ бақириб, йиғлаб-сиқтаб *кулбага* ёпирилди. Болани олиб чиқиб у ёқ-бу ёғини ишқалай бошлашди; лекин ҳамма уринишлар бекор кетди. Акулина тўшакда юмалар ва қаҳ-қаҳ уриб куларди, у шундай қаҳ-қаҳлардики, эшитган одам даҳшатга тушарди. Ҳозир даҳлизни тўлдирган чол-кампир, болачақа ва ҳар тоифа одамларни кўриб *хизматкорхонада* қанчалик кўп ва турли-туман одам яшашини тушуниш мумкин эди. Ҳамма ҳовлиқар, ҳамма гапирар, кўплар йиғлар эди-ю, лекин ҳеч ким тайин бир иш қилмас эди. Дурадгор хотини ҳамон бу воқеадан беҳабарларни топиб, қўққисдан бундай кўргиликка кўзи тушиб нақадар чўчиганини, шотидан йиқилиб ўлай деганини, худонинг ўзи

асраб қолганини қайта-қайта сўзларди. Аёллар камзули кийиб олган буфетчи чол маҳрум бека ҳаёт пайтида бир хотин анҳорга чўкиб ўлганини ҳикоя қиларди. Приказчик становой билан полга одам юборди, қоровул тайинлади. Кўзлари косасидан чиқиб кетган югурдак қиз Аксютка чордоққа қараб бақрайиб қолган, лекин ҳар қанча тикилгани билан ҳеч нима кўрмаса-да, кўзини чордоқдан узолмас, бекага бориб хабар бериши керак бўлса-да, жойидан жиллолмас эди. Кекса беканинг собиқ оқсочи Агафья Михайловна ўзини босиб олиш учун чой беришларини талаб қиларди. Анна буви ёғоч мойи иси сингиб кетган меҳнаткаш, дўмбоқ қўллари билан кичкина мурдани столга ётқизарди. Бурчак-бурчакка қисилиб олган болалар оналарига қараб-қараб қўйиб бўкиришар, кейин тинчишар, кейин яна қараб қўйиб аввалгидан баттар суқилишарди. Болалар ва мужиклар пиллапояда уймаланишар, ваҳима ичида эшик ва деразадан мўралашар, ҳеч нимани кўрмай, ҳеч нимага тушунмай нима гаплигини бир-бирларидан суриштиришарди. Битгаси, дурадгор хотинининг оёғини болта билан чопиб қўйибди, дерди. Бошқаси бўлса кир ювувчи хотин уч эгизак туғибди, дерди. Учинчиси эса ошпазнинг мушуги қутуриб одамларни тишлаб олибди, дерди. Ахири ҳақиқат аста-секин ойдинлашди ва ниҳоят беканинг қулоғига бориб етди. Бу воқеани унга Ёгор томдан тараша тушгандек қилиб шундай гапирдики, беканинг асаби бузилиб, анчагача ўзига келолмади. Оломон секин-аста тинчлана бошлади; дурадгор хотини самовар қўйиб, чой дамлади, бегоналарни чойга таклиф қилмади. Шунинг учун улар ортиқ туришни ўзларига эп кўрмай тарқала бошладилар. Пиллапояда ўғил болалар муштлаша кетдилар. Энди воқеадан ҳамма хабардор эди. Одамлар чўқинишиб аста тарқала бошлаган ҳам эдиларки: «Бека келяпти, бека келяпти!»— деган овозлар эшитилиб, ҳамма яна тўпланди. унга йўл бериш учун бир-бирларига қисилишди. Одамлар беканинг нима қилишини кўрмоқчи эди. Ранги ўчган, йиғлаган бека остонадан ҳатлаб даҳлизга, кейин Акулинанинг бўлмасига ўтди. Унлаб одамлар каллаларини суқилиб эшик олдида сиқилиб уни кузатишди. Бир ҳомиладор аёлни шундай қисиб қўйишдики, у чинқириб юборди, лекин шу замоноқ пайтдан фойдаланиб олдинга ўтиб олди. Бека Акулинанинг бўлмасига

кирганини томоша қилмай бўладими! Бу — хизматкорлар учун томошадан кейин бўладиган мушакбозликдек бир гап эди. Мушаклар отилса соз бўлади, шоҳи ва тўрларга беланган бека Акулинанинг бўлмасига оёқ қўйгани нур устига ало нур бўлди. Бека Акулинанинг ёнига борди-да, қўлидан ушлади; лекин Акулина юлқиниб қўлини тортиб олди. Кекса хизматкорлар норозилик билан бошларини чайқаб қўйдилар.

— Акулина!— деди бека.— Болаларинг бор, ўзингни койитма.

Акулина қаҳ-қаҳлаб кулди-да, ўрнидан турди.

— Болаларимнинг ҳаммаси кумушдан-а, кумушдан... Менда қоғоз бўлмайди,— деб бидиллади у.— Ильичга айтдуддим-а, қоғозни олма деб, мана, қора суртиб кетишди, қорамой суртишди. Қорамой билан совун суришди-я, хоним. Ҳар қанақа қўтири бўлса тўкилади.— Акулина шундай деди-ю, аввалгидан баттар қаҳ-қаҳ уриб кулди.

Бека ўгирилди-да, фершел¹ чақиринг, хантал ола келсин деб, буюрди. «Совуқ сув беринглар», деди-да, ўзи сув ахтара бошлади; лекин Анна бувининг ёнидаги ўлик болага кўзи тушиб қолиб, шарт ўгирилди, юзини рўмолча билан тўсиб йиғлаб юборганини ҳамма кўрди. Анна буви эса (афсуски, бека буни кўрмади: кўрса қадрига етган бўларди; буларнинг ҳаммаси бека кўрсин учун атайин қилинган эди) болани бир парча мато билан ёпди-да, дўмбоқ, эпчил қўллари билан мурданинг қўлчаларини тўғрилади, бошини чайқаб, лабларини чўччайтириб кўзларини қисди, шундай уҳ тортдики, унинг юмшоқкўнгиллигини ҳамма билди. Лекин бека буларни кўрмади, кўролмас ҳам эди. Бека хўнграб юборди, асаби бузилди, уни қўлтиқлаб даҳлизга олиб чиқишди, қўлтиқлаб уйга элтиб қўйишди: «кўрсатган каромати шугина бўлди», деб ўйлашди кўплар ва тарқала бошлашди. Акулина ҳамон қаҳқаҳлар ва бемаъни гаплар гапирарди. Уни бошқа хонага олиб чиқиб кетдилар, қон олдилар, горчишник қўйдилар, бошига муз қўйдилар, лекин у барибир ҳеч нарса тушунмас, йиғламас, қаҳқаҳлаб кулар, гапирар ва шундай қилиқлар қилар эдики, унга парвона бўлаётган меҳрибон одам-

¹ Фельдшер.

лар ўзларини тутолмай унга қўшилиб кулардилар.

XII

Покровский ҳовлисида байрам жуда кўнгилсиз ўтди. Ҳаво очиқ бўлса ҳам ҳеч ким сайрга чиқмади; қизлар қўшиқ айтиш учун тўпланишмади, шаҳардан келган фабрика йнгитлари гармонь ҳам, балалайка ҳам чалишмади, қизлар билан ўйнашмади. Ҳамма уй-уйида ўтирар, гаплашиш тўғри келиб қолганда ҳам гўё битта-яримта ёмон эшитиб қоладигандек, шивирлаб гаплашишарди. Кундузи бир баҳарнав эди, лекин кечқурунга бориб, қоронғи тушиши билан итлар увлай бошлади, бунинг устига қаттиқ шамол туриб мўрилар ичида шундай гувилладикки, хизматкорхонада яшовчиларнинг юраги ваҳимага тўлди, шами борлар икона тагига ёқиб қўйди; *кулбасида* ёлғиз ўтирганлар тунагани қўшнилариникига, гавжумроқ жойга чиқиб кетди, молхонага чиқиши керак бўлганлар ҳам шу кеча молларнинг оч қолишига парво қилмади, чиқиб хабар олмади. Одамлар шишада сақлаб келган муқаддас сувини шу кечанинг ўзидаёқ сарфлаб қўя қолди. Шу кеча аллаким чордоқда огир-огир қадам босиб юрганини кўплар эшитган эмиш, темирчи бўлса бир илоннинг тўғри чордоққа қараб учганини кўрган эмиш. Поликейнинг кулбасида ҳеч ким йўқ эди; болалар ва телба бўлиб қолган хотин бошқа ёққа кўчирилган эди. У ерда фақат гўдак мурда билан икки кампир ва болага эмас, мана шу бахтсизлик туфайли ўз ҳолича дуо ўқиётган тарки дунё қилган хотин бор эди, холос. Беканинг буйруғи шундай бўлган эди. Оят ўқилиб бўлиши билан тепада тўсин ларзага келиб, аллакимнинг инграб юборганини шу икки кампир билан дарвиш хотин аниқ-таниқ эшитган эмиш. «Худо раҳмат қилсин», дейишган экан, ҳамма ёқ яна сув қуйгандек жимжит бўлиб қолган эмиш. Дурадгор хотини эгачисини чақириб келди ва шу кеча ухламади, бир хафтага мўлжаллаб олиб қўйган чойини у билан ичи тугатди. Тепада тўсинлар ларзага келиб, қоп ағдарилгандай бўлганини улар ҳам эшитишди. Қоровул, мужиклар хизматкорларга далда бериб турмаганда шу кеча ҳаммаларининг юраги ёрилиб ўлиши муқаррар эди. Шу кеча даҳлизда, пичан устида ётган мужиклар

ҳам чордоқда шундай шарпа эшитишганини айтишди, ваҳоланки ўзлари некрутлик ҳақида бамайлихотир суҳбатлашган, нон кавшаган, қашинишган, бунинг устига даҳлизни шундай саситиб юборишган эдики, дурадгор хотини улар ёнидан ўтиб кета туриб тупурди ва эркачасига сўкди Хуллас, мурда ҳамон чордоқда осилиб ётар, шу кеча кулбани *жинлар* қуршаб олгандек одамларни ваҳимага солар эди. Ҳамма шуни ҳис этарди. Лекин бу адолатданми, шунисини билмадим. Менимча, адолатдан бўлмаса керак. Мен шундай деб ўйлайман, агарда бирон довюрак топилсайди-ю, шу даҳшатли кечада шам ёки фонарь олиб, чўқиниб ёки ҳатто чўқинмасдан чордоққа чиқса ва шам ёруғи билан тун даҳшатини оҳиста қувиб, тўсинлар, қумлар, ис босиб кетган мўри ва дурадгор хотини унутиб қолдирган кўйлакни ёритиб олдинга қараб юрса,— Ильич ёнига етиб борса-да, қўрқувни йиғиштириб фонарни юзи баравар кўтариб қараса, ориқдан келган таниш гавданинг (арқон чўзилганидан) ерга оёқ қўйиб турганини, бу оёқлар ёнга букилганини очиқ кўкрагида крест йўқлигини, калласи кўкрагига осилиб қолганини, чеҳрасида мулойим, гуноҳқорона табассум қотганини, ҳамма ёқ, ҳамма нарса сокин ва осойишталигини кўрган бўларди. Ростини айтганда, сочлари ҳурпайган, қўрқув тўла кўзлари билан каравотининг бир чеккасига қисилиб, қопларнинг гурсиллаб ағдарилаётганини гапираётган дурадгор хотини, крести бўйнидан олиниб тўсинга қўйилган Ильичдан кўра даҳшатли эди.

Юқорида, яъни беканикида ҳам худди кулбадаги сингари, даҳшат ҳукм сурарди. Беканинг хонасида атир ва дори иси анқирди. Дуняша сариқ мум эритар ва мой дори тайёрларди. Мой дори нима учун тайёрланаётганини билмайман, лекин шуни биламанки, бека қачон касал бўлиб қолмасин, ҳамма вақт мой дори тайёрланарди. Ҳозир бека куйиб касал бўлиб қолган эди. Дуняшага далда бериш учун холаси тунагани келган эди. Улар тўртовлон, қизалоқ билан бирга, қизлар хонасида оҳиста сўзлашиб ўтиришарди.

— Мойга ким боради?— деди Дуняша.

— Ўлсамам бормайман, Авдотья Николаевна,— деб қатъий жавоб берди иккинчи қиз.

— Жим, Аксютка билан бирга бориб кел.

Аксютка:

— Үзим бориб келавераман, ҳеч нимадан қўрқмайман,— деди-ю, шу замоноқ юраги орқасига тортиб кетди.

— Бора қол бўлмасам, ўзим ўргилай, Анна бувидан стаканда бераркансиз дегин-да, дарров қайт, тўкиб юборма,— деди Дуняша.

Аксютка бир қўли билан этагини йиғиштириб олди, натижада иккала қўлини силкиёлмай қолди, бир қўлини тез-тез силкита-силкита, елиб кетди. Унинг юраги ваҳимага тўлди, назарида бирон нарсани кўриб ёки эшитиб қолгудек бўлса, ҳатто туққан онасига дуч келиб қолсаям, юраги ёрилиб ўладигандек эди. У кўзини чирт юмганича таниш сўқмоқдан югуриб-елиб борарди.

XIII

«Бека ҳали ухлаганлари йўқми?»— деб дўриллаб сўради қўққисдан Аксютканинг нақ қулоғи тагида бир мужик. Аксютка чирт юмиб келаётган кўзларини очди-ю, аллакимнинг қадди-бастини кўрди. Назарида бу қад хизматкорхонадан ҳам баланд кўринди: Аксютка чинқириб юборди ва оёгини қўлига олиб орқасига қочиб қолди. У бир иргиб пиллапояга чиқди, иккинчисида қизлар хонасига отилиб кирди-да, дод деб ўзини тўшакка отди. Дуняша, холаси ва ўша ердаги бошқа қиз қўрққанларидан қотиб қолишди; улар ҳали ўзларига келиб улгурмаган ҳам эдиларки, даҳлизда аллакимнинг қўрқа-писа аста қадам ташлаб келаётгани эшитилди. Дуняша қўлидаги мойини тушириб юбориб, бека хонасига отилди; иккинчи оқсоч қозикда илиғлиқ турган юбка орқасига яшириниб олди; бошқалардан кўра юраклироқларидан бўлган хола эшикни итариб турмоқчи бўлган эди, бўлмадаги эшик очилиб, хонага бир мужик кирди. Бу Дутлов эди. У қизларнинг қўрқувига парво қилмай, кўзи билан иконани излади, чап бурчакка илинган иконани топмай, идиш-товоқ турган шкафчага қараб чўқинди, шапкасини деразага қўйди-да, қўлтигини қашимоқчи бўлгандай қўлини пўстини қўйнига тикиб, лангар тасвирланган бешта қўнғир муҳр босилган хат чиқарди. Дуняшанинг холаси кўкрагини чангаллади-да:

— Юрагимни чиқариб юбординг-а, Наумич!— деди

жон ҳолатда.— Тил...им калимага бормай қолди-я. Ажалим етдими деб ўйлабман.

— Шунақаям қиладиларми?— деди иккинчи қиз юбка орасидан калласини чиқариб.

— Бекани ҳам безовта қилдинг— деди Дуняша ичкаридан чиқар экан:— қизлар хонасигаям сўрамасдан суқиладиларми? Мужиксан-да, мужик!

Дутлов кечирим ҳам сўраб ўтирмай, бекада иши борлигини айтди.

— Тоблари йўқ,— деди Дуняша.

Шу маҳал Аксюта шундай бир беўхшов пиқилладики яна кўрпасига бошини буркаб олишга мажбур бўлди. У шу алфозда бир соатча Дуняша ва холасининг пўписаларига қарамай бошини чиқарди дегунча шарақлаб кулиб ётди ва бу кулгидан унинг оппоқ сийнаси ва қирмизи ёноқлари ларзага келарди. Ҳамманинг қўрқиб кетгани унга шу қадар кулгили кўринардикки, у бошини яна ёстиққа буркаб, бошмоғини ликиллатар, бутун гавдаси билан силкинар эди.

Дутлов тўхтади, қизга нима бўлганини билмоқчи бўлгандек унга диққат билан қаради-да, нима гаплигига тушунмай орқасини ўгирди ва сўзини давом эттирди.

— Жа-а зарил иш билан келдим,— деди у,— мужик пул билан хат топиб олибди десайиз бўлди.

— Қанақа пул?

Дуняша бекага кириб хабар беришдан олдин конверт бетигаги ёзувни ўқиди, Ильич шаҳардан олиб келиши керак бўлган бу пулни қаердан ва қандай қилиб топганини суриштирди. Дуняша ҳаммасини билгач, ҳалиям пиқиллаб кулаётган югурдакни итариб даҳлизга чиқариб юборди-да, беканинг ёнига кириб кетди. Лекин бека уни қабул қилмади ва Дуняшага дурустроқ бир нима ҳам демади. Бундан Дутлов жуда ҳайрон қолди.

— Қанақа мужик, қандай пул,— деди бека:— ҳеч нима билмайман, билишни истамайман. Ҳеч кимни кўришга тоқатим йўқ. Айт, ўз ҳолимга қўйсин мени.

— Энди нима қиламан?— деди Дутлов конвертни айлантириб:— озмунча пулни бу. Уларга деб ёзилганми ахир?— деб сўради у конвертдаги ёзувни яна ўқиб берган Дуняшадан.

Дутлов ҳамон негадир ишонмас эди. У пул беканики бўлмаса керак, ногўғри ўқишган бўлса керак, деб ўйларди. Лекин Дуняша бояги гапни яна такрорлади. Дут-

лов хўрсинди, конвертни қўйнига тиқди-да, чиқиб кетмоқчи бўлди.

— Становойга элиб берарканман-да,— деди у.

— Шошмай тур, яна бир гаплашиб кўрай-чи,— деб тўхтатди мужик конвертни қўйнига солаётганини диққат билан кузатиб турган Дуняша.— Хатни бер-чи?

Дутлов хатни яна қўйнидан чиқарди-ю, лекин Дуняшанинг узатиб турган қўлига дарҳол тутқиза қолмади.

— Семён Дутлов йўлдан топиб олибди денг.

— Бу ёққа бер.

— Мен хатнинг ўзидир деб ўйлаган эдим; аммо солдатга ўқитсам, ичида пули ҳам бор, деди.

— Қани, бер энди.

— Мен ҳатто уйгаям кирганим йўқ...— деди яна Дутлов қимматли конвертдан ажралолмай,— шундай деб айтинг.

Дуняша конвертни олди-да, яна бека ёнига кириб кетди.

— Оҳ, Дуняша-ей!— деди бека ўпкали товушда:— шу пулдан гапирма менга. Қичкинтой гўдак эсимга тушди дегунча...

— Мужик нима қилишга ҳайрон, хонимойим, уни кимга берсин,— деди яна Дуняша.

Бека конвертни очди, пулга кўзи тушиши биланоқ сесканиб кетди, хаёл суриб қолди.

— Даҳшатли пуллар, қанчадан-қанча алам келтиради-я!— деди у.

— Дутлов олиб келди, хонимойим, кетаверсинми ёки ёнига чиқасизми? Пуллар росамикан ўзи?— деб сўради Дуняша.

— Бу пулларни кўргани кўзим йўқ. Даҳшатли пуллар бу. Нималар қилмади-я? Чиқиб айт, агар рози бўлса, олиб кета қолсин,— деди бека Дуняшанинг қўлини ахтариб.— Ҳа, шундай де,— дея ўқтирди бека ҳайрон қолган Дуняшага,— агар хўп деса, ўз-ўзига ола қолсин.

— Бир ярим минг-а,— деди Дуняша жилмайиб.

— Майли, ҳаммасини олаверсин,— деб такрорлади бека бетоқатланиб.— Гапимга тушунмаяпсанми? Бу пуллар бахтсизлик келтирди, бу ҳақда қайтиб менга гапирма. Топиб олган мужик ўзига ола қолсин. Чиқ, бориб айт!

Дуняша қизлар хонасига чиқди.

— Хўш?— деди Дутлов.

— Узинг бир санаб кўр,— деди Дуняша конвертни узатаётиб сенга беришни буюрдилар.

Дутлов шапкасини қўлтигига қистирди-да, сал букчайиб пулни санай бошлади.

— Чўт йўқми?

Дутлов, бека пул санашни билмагани учун санашни менга буюрган деб ўйлаган эди.

— Уйингда санаб оласан! Сенга берди! Бу пул сеники энди,— деди Дуняша зарда билан.— Кўргани кўзим йўқ, олиб келган одамга чиқариб бер, деди.

Дутлов қадди букчайганича Дуняшага қараб анқайиб қолди.

Дуняшанинг холаси чапак чалиб юборди.

— Вой тавба-ей! Омадни қаранг-а! Вой тавба-ей!

Иккинчи оқсоч ишонмади.

— Йўғ-е, Авдотья Николаевна, ҳазиллашяпсизми?

— Ҳазилга бало борми! Мужикка бер деб буюрдилар... Ол энди пулларни, йўлингдан қолма,— деди Дуняша аламини яширмай.— Бировнинг бахти қоро бўлар экан, бировнинг бахти кулиб боқар экан.

— Бир ярим минг сўм-а, ҳазил гапми,— деди хола.

— Кўпроғам,— деди Дуняша.— Миколага ўн тийинлик шам ёқарсан,— дерди Дуняша истеҳзо билан.— Ҳа, мунча гангиб қолдинг? Қамбағалга теккандаям майлиди-я! Узиники ачиб ётибди-ю.

Дутлов бу гапларнинг ҳазил эмаслигини ниҳоят тушунди-да, санамоқлик учун ёйиб ташлаган пулларни йиғиб конвертга жойлай бошлади; аммо қўллари қалтирар, калака қилишмаяпканмикан, деб ҳамон қизларга қараб-қараб кўярди.

— Севинганини қаранг — гангиб қолди,— деди Дуняша мужикданам, пулларданам ҳазар қилишини кўрсатиб.— Ке, жойлаб берай.

Дуняша пулларни олмоқчи бўлди. Лекин Дутлов бермади; у пулларни ғижимлаб яна ичкарироққа тикди-да, шапкасини қўлига олди.

— Севиняпсанми?

— Нима десам экан? Узимам...

У гапини тугатмади, қўлини силкитди, тиржайиб чиқиб кетди.

Бека хонасида қўнғироқ жиринглади.

— Бердингми?

— Бердим.

— Жуда севиндими?

— Жиннига ўхшаб қолди.

— Бор, чақир. Қандай қилиб топганини сўрайман. Шу ёққа кира қолсин, мен чиқолмайман.

Дуняша югуриб чиқди ва даҳлизда мужикка етиб олди.

Дутлов шапкасини киймасдан, ҳамёнини чиқарган ва букчайиб уни очаётган эди, пулларни эса оғзида тишлаб турарди. Балким ҳамёнига солмагунича пул ўзиникилигига ишонмагандир. Дуняша уни чақирганда, жуда қўрқиб кетди.

— Нима, Авдотья... Авдотья Миколавна. Ё қайтариб олмоқчиларми? Бир оғиз гапириб қўйинг, қуруқ қўймасман, асал келтириб берарман.

— Ол-а! Олиб келиб бўпсан!

Яна эшик очилиб, мужикни бека ёнига олиб кириб кетдилар. Унинг юраги жуда ғаш эди. У негадир балаңд ўсган кўкатлар орасида кетаётгандек хоналардан ўтаётганда чоригини дўқиллатмаслик учун оёғини кўтариб босиб бораркан: «Оҳ, ҳозир қайтариб олиб қўяди!»— деб ўйларди. Атрофида нима бўлаётганини тушунмас, кўрмас эди. У ойна ёнидан ўтиб кетаётганида аллақандай гулларни, чориқ кийган аллақандай мужик оёғини кўтараётганини, бир бек суратини, аллақандай яшил бочкани ва оқ нарсани кўрди... Бундай қарасаки, шу оқ нарса тилга кирди: бу бека эди. Дутлов ҳеч нимага тушунмади, кўзи олаяверди, холос. У ўзининг қаердалигини билмас, ҳамма нарса туман ичидадек кўринарди.

— Дутловмисан?

— Шундай, хонимойим. Қандай бўлса, шундай олиб келдим, қўл теккизганим йўқ,— деди у.— Севинганим йўқ, ёлғон гапирсам худо урсин! От жуда қийнаворди...

— Бахтли экансан,— деди бека истехзо аралаш мулойим жилмайиб.— Ол сенга бўла қолсин.

Дутлов кўзини олайтирганича турарди.

— Ўзингга насиб қилсин илоҳи! Ҳа, севинмаяпсанми?

— Нега севинмай! Жуда хурсандман, хонимойим! Умр бўйи дуойи жонингизни қиламан. Худога шукур, бекамиз сиҳат-саломатлар деб севиnamан. Лекин бу ишда менинг асло гуноҳим йўқ.

— Қандай қилиб топиб олдинг?

— Бека учун доим жонимизни фидо қиламиз, бўл-масам...

— Тамом эсини йўқотди бу, хонимойим,— деди Дуняша.

— Жиянимни рекрутликка элтиб, қайтиб келаётган эдим, йўлдан топиб олдим. Поликей бехос тушириб қолдирган бўлса керак.

— Ҳай майли, бора қол энди. Хурсандмисан?

— Шундай хурсандман-да, хонимойим!..— дерди мужик.

Кейин у, миннатдорчилик изҳор, этмаганини, довдираб қолганини эслади. Бека билан Дуняша жилмайди, у эса югуриб қолишдан ўзини зўрға тутиб, яна кўкат орасидан ўтаётгандек юриб кетди.

Назарида ҳамон яна чақириб қайтиб олишаётгандек бўларди...

XIV

Очиқ ҳавога чиққач, Дутлов йўлдан четроққа, аргу-вонлар тагига ўтди, ҳамённи олиш осон бўлсин деб белбоғини ҳам очди-да, пулларни жойлай бошлади. У бир оғиз гапирмаган бўлса-да, лаблари гоҳ чўзилиб, гоҳ ёйилиб шивирларди. Пулларни жойлаб, белбоғини боғлаб олгач, у чўқинди-да, мастлардек чайқала-чайқала йўлга тушди: у миясига қуйилиб келаётган фикрлар билан банд эди. Тўсатдан у, олдинда унга томон келаётган бир одамнинг қорасини кўриб қолди. Дутлов чақирди: бу сўйил кўтариб флигель атрофини айланиб юрган қоровул Ефимка эди.

— Э, Семён амаки,— деб қичқириб юборди севиниб кетганидан Ефимка яқинлашаркан. (Ефимка ёлғиз жуда кўрқаётган эди.)— Рекрутларни топшириб келдингизми, амаки?

— Топширдим. Сен нима қилиб юрибсан?

— Ўзини осиб қўйган Ильични қўриқлашни буюришди.

— У қаерда?

— Чордоқда осилиб ётибди, дейишади,— деб жавоб берди Ефимка сўйил билан қоронғида флигель томига ишора қилиб.

Дутлов қўл узатилган томонга қаради, ҳеч нима кўрмаган бўлса-да, юзини буруштирди, кўзини қисди ва бошини чайқади.

— Становой келди девди кучер,— деди Ефимка,— Ҳозир бўшатиб олишармиш. Кечаси бўшатиш жуда даҳшат бўлса керак. Тепага чиққин деб, қолишса, сираям кечаси чиқмасман. Егор Михалич ўлдирсаям чиқмайман.

Дутлов одамшавандалик учун шунчаки нима гапирётганини ўйлаб ҳам кўрмай:

— Гуноҳ-а, гуноҳ!— деб қўйди ва йўлига кетмоқчи бўлди. Лекин Егор Михайловичнинг овози уни тўхтатди.

— Ҳой, қоровул, бу ёққа кел,— деб қичқирарди Егор Михайлович пиллапоядан туриб.

Ефимка жавоб берди.

— Енингда турган ким?

— Дутлов.

— Ҳой, Семён, сен ҳам кел баққа.

Яқинроқ боргач Дутлов кучер кўтариб келаётган фонарь ёруғида Егор Михайловични ва қокардалик фуражка билан шинель кийган пакана чиновникни кўрди: бу становой эди.

— Мана бу чол ҳам биз билан чиқади,— деди Егор Михайлович уни кўриб.

Чол ранжиди, лекин бошқа иложи йўқ эди.

— Сен-чи, Ефимка, ёшсан, қани, мурда осилиб ётган чордоққа чиққин-чи, шотини тўғрилаб қўйиш керак, жаноб олийлари чиқадилар.

Асло флигелга яқин йўламайман деб турган Ефимка чоригини дўқиллатиб югуриб кетди.

Становой чақмоқ тош билан трубкасини ёндирди-да, чека бошлади. У икки чақирим нарида яшар, бадмастлик қилгани учун ҳозиргина исправник ёнида таъзири-ни еб чиққан, шу важдан ҳозир жонбозлик кўрсатаётган: кечки соат ўнда етиб қелиб, дарҳол мурдани кўришга аҳд қилган эди. Егор Михайлович Дутловдан бу ерда нима қилиб юрганини сўради. Йўл-йўлакай Дутлов пул топиб олганини, кейин бека нима деганини приказчикка айтиб берди. Дутлов Егор Михайловичнинг ижозатини олгани келганини айтди. Приказчик Дутловни даҳшатга солиб конвертни талаб қилган эди, Дутловнинг жон-пони чиқиб кетди. Приказчик конвертни кўриб бўлгач, становой ҳам уни қўлига олди-да, тафсилотларни қисқа ва қуруққина қилиб сўради.

«Тамом, пулдан айрилдим», деб ўйлади Дутлов ва кечирим сўрай бошлади. Лекин становой унга пулни қайтариб берди.

— Икки ўртада бу ишлаб қолди!— деди у.

— Иши ўнгидан келди,— деди Егор Михайлович,— ҳозиргина жиянини рекрутликка узатиб келди: энди пул тўлаб уни бўшатиб олади.

— А!— деди становой ва олдинга ўтиб кетди.

— Илюшкани бўшатиб оласанми?— деди Егор Михайлович.

— Қандай қилиб бўшатиб оламан? Пул етармикан? Балким вақти эмасдир.

— Ўзинг биласан,— деди приказчик, кейин иккови становой кетидан кетди.

Улар флигель ёнига бордилар, бу ерда, даҳлизда фонарь кўтарган жулдурвоқи қоровуллар уларни кутиб туришарди. Дутлов улар кетидан кирди. Қоровуллар гуноҳкорлардек турардилар, улардан анқиётган қўланса ҳидни ҳисобга олмаганда, уларнинг бошқа ҳеч қандай гуноҳи йўқ эди. Ҳамма жим эди.

— Қаерда?— деб сўради становой.

— Шу ерда,— деди шивирлаб Егор Михайлович.— Ефимка деб қўшиб қўйди у,— сен ёшсан, фонарни кўтариб олдинга туш!

Ефимка юқорида шотини тузатиб, қўрқувни йўқотгандек эди. У икки-уч поғонадан бирданига ҳатлаб, чиройи очилиб олдинга юрди, фақат орқасига ўгирилиб фонари билан становойнинг йўлини ёритиб қўярди. Становойнинг кетидан Егор Михайлович келарди. Улар ичкари кириб кетгач, Дутлов бир оёғини шотига қўйган ерида хўрсинди-да, тўхтаб қолди. Орадан икки минутча ўтди, жасад ёнига етган бўлсалар керак, чордоқда уларнинг оёқ товуши тинди.

— Амаки! Сизни чақиряпти!— деб қичқирди Ефимка тешикдан.

Дутлов чиқа бошлади. Фонарь ёруғида становой билан Егор Михайловичнинг фақат елка томони тўсин орқасидан кўриниб турарди; улар орқасида яна аллаким орқасини қилиб турарди. Бу Поликей эди. Дутлов тўсиндан ҳатлаб ўтди-да, чўқиниб тўхтади.

— Бу ёққа ўгиринглар-чи, уни, йигитлар,— деди становой.

Ҳеч ким қимир этмади.

— Ефимка, сен азамат йигитсан,— деди Егор Михайлович.

Азамат йигит тўсиндан ҳатлаб ўтди-да, Ильичнинг

юзини бу ёққа ўгириб ёнида турди, у альбиноска ёки Юлия Пастранани¹ кўрсатаётгандек гоҳ томошабинга, гоҳ кўрсатаётган нарсасига қараб-қараб қўяётган, томошабиннинг барча истакларини бажо келтиришга тайёр турган одам қиёфасида хушчақчақ назар-ла гоҳ Ильичга, гоҳ бошқаларга қараб қўярди.

— Яна ўгир.

Яна Ильични ўгирди. У қўлларини силкиди, қумда оёғи судралди.

— Қани, тушир энди.

— Арқонни кесиб юбор деяпсизми, Василий Борисович?— деди Егор Михайлович.— Болтани узатворинглар, биродарлар.

Қоровуллар билан Дутловга икки марта айтмагунларича улар жойларидан жилишмади. Азамат йигит эса Ильичга худди қўй нимтаси каби муомала қиларди. Ниҳоят, арқонни қирқишди, жасадни туширишди ва устини ёпиб қўйишди. Становой эртага табиб келишини айтиб одамларни тарқатиб юборди.

XV

Дутлов лабларини қимирлатиб уйига кетди. Аввалига у жуда қўрқди, лекин қишлоққа яқинлашгани сайин, бу ҳис йўқолиб ўрнини тобора қувонч ҳисси эгаллай бошлади. Қишлоқда қўшиқ янграр, мастларнинг овозлари эшитиларди. Дутлов ҳеч қачон ичмас эди, шунинг учун ҳам тўғри уйига қараб кетди. У уйига кирганда вақт алламаҳал бўлиб қолган эди. Қампири ухлаб ётарди. Катта ўғли билан набиралари печкада, иккинчи ўғли қазноқда ухларди. Илюшанинг хотинигина уйгоқ бўлиб, байрам қилиб ясанмаган, кир кўйлагига сўрида йиғлаб ўтирарди. Келин амакисига эшик очгани чиқмади, у хонага кириши билан бешбаттар ўкириб, айтиб-айтиб йиғлай бошлади. Қампир эса ўзи ёш, тажрибасиз бўлишига қарамай, айтиб йиғлашга жуда уста экан, деган уйга келди.

¹ Юлия Пастрана — ўз вақтида жуда уста раққоса бўлган, лекин шу қадар хунук бўлганки, башарасини кўрган одам қўрқиб кетган.

Кампир турди-да, эрига овқат ҳозирлай бошлади. Дутлов Илюшанинг хотинини стол ёнидан ҳайдади: «Бўлди, бўлди!»-деди у. Аксинья турди, сўрига ўтиб ётди-ю, лекин ўкиришдан тўхтамади. Кампир миқ этмай дастурхон ҳозирлади, кейин йиғиштирди. Чол ҳам миқ этмади. У худога сиғинди, кекирди, қўлларини ювди ва қозиқдан чўтни олиб қазноққа кириб кетди. У ерда аввал кампир билан шивирлашди, кейин кампир чиқиб кетди, у эса чўт қоқа бошлади; ниҳоят сандиқнинг қопқоғи тақиллади, кейин у ертўлага тушиб кетди. Дутлов дам қазноққа кириб, дам ертўлага тушиб анчагача ивирсиди. У қайтиб чиққанда хона қоп-қоронғи, шам ўчирилган эди. Кундузи одатда чурқ этиб оғиз очмайдиган кампир сўрига ётиб, бутун хонани бошига кўтариб хуррак отарди. Илюшканинг шанғи хотини ҳам ухлар, жуда секин нафас оларди. У эғнидаги кийимлари билан қандай бўлса шундайлигича, ечинмай бошига ҳеч нима қўймай сўрида ухларди. Дутлов чўқина бошлади, кейин Илюшканинг хотинига қаради, бошини чайқадди, шамни ўчирди, яна кекирди-да, печкага чиқиб ўғил невараси ёнига ётди. Қоронғида чориғини тепадан ташлади-да, печка тепасидаги, боши устида ғира-шира кўринаётган балиқ тўрига қараб, суваракларнинг деворда шитирлаб юришига, хўрсинишларга, хурракларга, оёқ билан оёқни ишқаб қичинишларга ва ҳовлидаги молларнинг қимирлаб чиқараётган товушларига қулоқ солиб чадқанча тушиб ётди. У анчагача ухлаёлмади; ой чиқди, хона ичи ёришди, бурчакда ётган Аксинья кўринди, лекин унинг ёнида нималар борлигини — ўғли чакмонини унутиб қолдирдимиз ёки хотинлар ёғоч бочка қўйишдимиз, ёки аллаким турибдимиз, аниқ билмади. Мудраб кетдимиз, йўқми, ҳар ҳолда у яна тикилиб қарай бошлади... Ильични бу даҳшатли ишга бошлаган, хизматкорларни шу кеча қўрқитган ўша ёвуз куч қишлоққача, ўзи Ильични ҳалок этиш учун воҳита қилган пуллар ётган Дутловнинг уйигача етиб келган бўлса керак. Хуллас, Дутлов унинг шу ердалигини ҳис этар, юраги ғаш эди. У на ухлай олар, на тура оларди. Кўрган нарсаларининг нималигини равшан аниқлай олмагач, у қўли боғлиқ Илюхани эслади. Аксиньянинг юзини, унинг усталик билан айтиб йиғлаганини эслади. Ильичнинг шалвираб аста тебранаётган қўлларини эслади. Тўсатдан чолнинг назарида аллаким дераза тагидан ўтиб кетгандай бўлди. «Қим бу ё оқсо-

қол хабар бергани келяптими?»—деб ўйлади у. «Эшикни қандай қилиб очдийкин?»—деб ўйлади чол даҳлизда оёқ товуши эшитиб: «Ё ташқарига чиқиб кетгач кампир занжирлашни унутганмикин?» Ташқарида ит ҳура бошлади, *у* бўлса, чолнинг кейинча айтишига қараганда, эшик қидираётгандек даҳлизда деворни пайпаслаб *у* ёқбу ёққа юрибди, пақирга қоқилиб кетибди, пақир жаранглабди. Кейин *у* ҳалқани қидираётгандек яна пайпаслашга тушди. Мана ҳалқани топдиям. Чолнинг бутун вужуди жунжикиб кетди. Мана ҳалқани бир тортиб, одам қиёфасида кириб келяпти. Бу *ўшалигини* Дутлов биларди. Дутлов чўқинмоқчи бўлди, лекин қўлини қимирлатолмади. У дастурхон ёзиглиқ стол ёнига келди, дастурхонни тортиб ерга туширди-да, печкага чиқа бошлади. Чол *у* Ильичнинг арвоҳи эканлигини кўрди. У иржайди, қўли шалвирарди. У печкага чиқди-да, чолнинг устига ўзини ташлаб, уни бўға бошлади.

— Менинг пулларим,— деди Ильич.

— Қўйвор, олмайман,— демоқчи бўлди Семён, лекин дами чиқмади.

Ильич зил-замбилдек гавдаси билан кўкрагидан босиб, уни бўғарди. Дутлов агар дуо ўқигудек бўлса, *у* албатта қўйиб юборишини, қайси дуони ўқиш кераклигини биларди-ю, лекин тили калимага келмас эди. Ёнида невараси ухларди. Бола чинқириб йиғлаб юборди: буваси уни деворга қисиб, қўйган эди. Бола чинқириб чолнинг тилини бўшатди. «Ҳар балойи, ҳар қазойи...» деб бошлади Дутлов. У сал бўшатди. «Даф қилгин, парвардигор!» деб чайналди Дутлов. У печкадан тушди, Дутлов *унинг* икки оёғи ерга тегиб, дўқиллаганини эшитди. Дутлов ўзи билган дуоларни кетма-кет ўқийверди. У эшик томон юрди, стол ёнидан ўтди, эшикни шундай тарақлатиб ёпдики, уй ларзага келди. Аммо бува билан неварадан бўлак ҳамма ухларди. Бува дуо ўқир, бутун вужуди дир-дир қалтирар, не-вара уйқуга кетар экан, йиғлар, бувасининг пинжига тикиларди. Ҳамма ёққа яна жимлик чўкди. Бува қимир этмай ётарди. Хўроз девор ортида, Дутловнинг қулоғини батанга келтириб қичқирди. Дутлов товуқларнинг уйғонганини, жўжа хўроз кекса хўрозга ўхшатиб қичқирмоқчи бўлиб, эпломлаганини эшитди. Чолнинг оёғида алланарса қимирлади. Бу мушук эди: у юмшоқ панжалари билан печкадан ерга сакраб тушди-да, эшик ёнига бо-

риб миёвлай бошлади. Дутлов турди-да, дарчани очди; кўча қоронғи ва ифлос эди; араванинг олд томони шундоққина дераза ёнида турарди. У чўқиниб сарпойчанлигича ҳовлига, олтар олдига чиқди: *хўжайиннинг* келганлиги бу ерда ҳам кўриниб турарди. Бостирма тагида турган байталнинг оёғи жиловга ўралишиб қолибди, тўпонни тўкиб юборибди, оёғини кўтариб, бошини чайқаб эгасини кутиб турибди. Тойчоқ бўлса гўннга ағанаб тушибди. Бува уни турғизиб қўйди, байталнинг оёғини чиқарди, олдига ем солди-да, уйга кириб кетди. Кампир уйғониб чўпчиروқни ёқди. «Болаларни уйғот, шаҳарга бораман», деди у ва иконалар олдида турадиган шамни ёқиб ертўлага тушиб кетди. У ертўладан чиққанда фақат Дутловларникидагина эмас, балки ҳамма қўшникларникида чироқ ёнарди. Болалар уйғонишган ва тўпланиб туришар эди. Хотинлар челақ ва тоғораларда сут кўтариб кириб-чиқиб турардилар. Игнат аравани қўшди. Иккинчи ўғли бошқа аравани мойларди. Ёш келин энди ўқирмас, тараниб, рўмол ўраб шаҳарга, эри билан хайрлашишга жўнаш пайтини кутиб уй ичида, скамейкада ўтирарди.

Чол жуда жиддий кўринарди. У ҳеч кимга бир оғиз бўлсин гапирмади, янги чакмон кийди, белини боғлади-да, Ильичнинг ҳамма пулини қўйнига солиб, Егор Михайлович ёнига кетди.

— Кўп имиллайверма!— деб қичқирди у кўтариб, мойлаб қўйилган ўқдаги ғилдиракни айлантираётган Игнатга.— Ҳозир келаман. Тахт қилиб қўй!

Ҳозиргина ўрнидан турган приказчик чой ичиб ўтирар, шаҳарга бориб рекрутни топширишга отланган эди.

— Хўш?— деди у.

— Мен, Егор Михайлич, йигитни қайтариб олсам деган эдим. Бир яхшилик қилинг. Кеча, шаҳарда рекрутга борадиган бир одамни биламан деган эдингиз. Йўл-йўриқ кўрсатинг. Биз оми одам.

— Уйлаб олдингми?

— Уйлаб олдим, Егор Михалич, акамнинг фарзанди. Хар нима қилгандаям жигар, одамнинг жони ачийди. Пул гуноҳ келтиради, холос. Бир яхшилигингизни аяманг,— дерди у таъзим қилиб.

Егор Михайлович, бундай пайтларда ҳамма вақт қиладиган одатига кўра чуқур ўйчанлик билан сукутга чўмиб, анчагача лабини чўпиллатди, бир оз муҳокама

қилиб кўргандан кейин иккита хат ёзиб бериб, шаҳарга боргач нима қилиш кераклигини уқдирди.

Дутлов уйига қайтиб келганида келинчак Игнат билан бирга аллақачон жўнаб кетган, бурул тус қориндор байтал аравага қўшилиб, дарвоза тагида тайёр турарди. У девордан хипчин синдириб, чакмонига ўралиб олди-да, араванинг олдига ўтириб отни ҳайдаб кетди. Дутлов байтални шундай тез ҳайдадики, бирпасда отнинг қорни ичига тортиб кетди. Дутлов бўлса раҳмим келиб қолмасин тагин, деб ортиқ унга қарамади. Штабга кечикиб қолиб, Илюшка солдатликка жўнатиб юборилади, жин теккан пуллар қўлимда қолиб кетади, деган фикр уни қийнарди.

Дутловнинг шу куни эрталабки бутун саргузаштларини гапириб ўтирмайман; шу куни жуда иши ўнгидан келганини айтиб қўя қоламан. Егор Михайлович хат ёзиб берган кишиникида йигирма уч сўлкавойни сарф қилиб қўйган, палата томонидан тасдиқланган талабгор одам бор эди. Хўжайин унинг эвазига тўрт юз сўм сўрар, уч ҳафтадан буён келиб юрган мешчан харидор бўлса, уч юз сўм бераман, дерди. Дутлов икки оғиз сўз билан ишни бир ёқли қилди-қўйди. У қўлини чўзиб «Учу чорак бераман», деди, у шундай қиёфада гапирдики, лозим бўлса яна қўшишга тайёрлиги кўриниб турарди. Хўжайин қўлини тортиб, тўрт юз сўм сўрарди. «Учу чоракка кўнмайсанми?»—деди Дутлов чап қўли билан хўжайиннинг ўнг қўлидан ушлаб, ўнг қўли билан «бор барака» қилишга чоғланиб. «Кўнмайсанми? Узинг биласан!»—деди у хўжайиннинг қўлига шапиллатиб уриб, кейин шартта орқасини ўгириб олди. «Ҳай, майли, энди! Уч ярим бердим. Қаптансан тўғрила. Йигитингни олиб бор. Мана, олдидан закалат олиб тур. Икки юз сўлкавой бўладими?»

Дутлов шундай деди-ю, белбоғини ечиб пулни ола бошлади.

Хўжайин қўлини тортиб олмаса-да, ҳамон рози бўлмагандай закалатни олмай, ширинкома ва жўнайдиған йигитни зиёфат қилиш ҳақида гапирарди.

— Гуноҳга ботма,— дея такрорларди Дутлов унга пул тиқиштириб,— ҳаммамиз бу дунёга меҳмонмиз,— у шундай мулоим, ибратли гапирардики, хўжайин:

— Ҳай, майли,— деб юборишга мажбур бўлди. Ке-

йин яна бир бор Дутловнинг қўлига шапиллатиб уриб, чўқина бошлади.

— Ҳай, худо ёр бўлсин,— деди у.

Кеча ичиб маст бўлиб ёганича ҳалиям ухлаётган талабгор йигитни уйғотдилар, негадир у ёғини-бу ёғини текшириб кўрдилар-да, ҳаммалари маҳкамага кетдилар. Талабгор йигит хушчақчақ эди, бош оғриғи қилиш учун Дутлов берган пулга ром келтиришларини талаб қиларди, лекин маҳкама эшигидан кираётганларида юраги орқасига тортиб кетди. Кўк сибирка кийган кекса хўжайин билан калта пўстин кийган, қошлари кўтарилиб, кўзини лўқ қилиб турган талабгор йигит даҳлизда узоқ туришди; анчагача шивирлашишди, қаёққадир кириб чиқишди, кимнидир қидиришди, негадир ҳар бир мирза ёнида шапкаларини олиб таъзим қилишди, хўжайиннинг таниш мирзаси айтган гапларни диққат билан тинглашди. Ишнинг шу бугун битишига умид қолмай, талабгор йигит яна димоғи чоғ бўлиб шилқимлик қила бошлаганда, Дутлов Егор Михайловични кўриб қолди-да, унга маҳкам ёпишиб олиб, ялиниб-ёлвора кетди. Егор Михайлович шундай яхши ёрдам бердики, соат учларга бориб талабгор йигитни ҳайрон қолдириб, маҳкамага олиб кирдилар ва негадир ҳамманинг, қоровулдан тортиб раисгача хушчақчақлиги остида ечинтирдилар, сочини олдилар, кийинтирдилар ва эшикдан чиқариб юбордилар. Беш минут ўтар-ўтмас Дутлов пулни санаб берди, қвитанцияни олди, ҳам хўжайин билан, ҳам талабгор йигит билан хайрлашди-да, Покровскийдан келган рекрутлар қўнган савдогарникига қараб кетди. Илья билан келин савдогар ошхонасининг бурчагида ўтиришарди, чол кириши билан улар жим бўлиб итоаткорлик ва аламзадалиқ билан унга тикилиб қолишди. Чол ҳар вақтдагидек чўқинди, белбоғини ечди, қўйнидан аллақандай қоғозни олди-да, катта ўғли Игнат билан Илюшканинг ҳовлида юрган онасини чақирди.

— Гуноҳга ботма, Илюха,— деди у жияни ёнига келиб.— Кечқурун менга шунақа гаплар қилдингки... Нима, сенга ачинмайманми? Акам сени менга васият қилиб кетганларини ўлсам ҳам унутмайман. Қўлимдан келса, сени жўнатармидим. Худо бериб қолган эди, мана аямадим. Мана, қоғози,— деди-да, қвитанцияни столга қўйиб, қийшиқ, қотиб қолган бармоқлари билан текислади.

Ҳовлида юрган покровскийлик мужиклар, савдогарчининг хизматкорлари, ҳатто бегрна одамларгача хонага киришди. Одамлар нима гаплигини тушунган эдилар; чолнинг тантанали нутқини ҳеч ким бузмади.

— Мана ўша қоғоз! Тўрт юз сўлкавой тўладим. Амакингга таъна қилма.

Илюха ўрнидан турди, лекин нима дейишини билмай, индамас эди. Ҳаяжонланганидан лаблари титрарди, кекса она ўксиб-ўксиб йиғлаб унинг бўйнига ташланмоқчи бўлган эди; лекин чол қўли билан уни оҳиста, амирона итарди-да, гапини давом этдирди:

— Кеча менга бир сўз айтдинг,— деб такрорлади чол,— шу сўзинг билан юрагимга пичоқ санчгандек бўлдинг. Отанг ўлаётганда сени менга васият қилиб ташлаб кетган, мен учун сен бир ўғил эдинг, агар бирон нарса қилиб хафа қилиб қўйган бўлсам, бу фоний дунёда ҳаммамиз росий, гуноҳкор бандалармиз. Тўғри гапирдимми, православлар?— деб мурожаат этди у атрофда турган мужикларга.— Мана, олдингда туққан юнанг, ёш хотининг, мана сизларга каптанса. Пулни худо кўтарсин! Исо ҳаққи, мени кечиринглар.

У шундай деди-ю, чакмонининг барини қайириб, оҳиста чўккалади ва Илюшка билан хотини қаршисида тиз чўкди. Ёшларнинг уни тўхтатиш учун қилган уришишлари бекор кетди: чол пешонасини ерга тегизгандан кейингина ўрнидан турди, қоқиниб сўрига ўтирди. Илюшканинг онаси билан ёш келин севинганларидан ув тортиб йиғлашарди; оломон орасида маъқуллаган товушлар эшитилди. «Ҳаққоний иш, худога хуш келадиган иш, дуруст-дуруст», дерди бири. «Пул нима деган нарса? Пулга одам сотиб олиб бўлмайди»,— дерди бошқаси. «Шодликни қаранглар-а», дерди учинчиси: «одил одам экан». Рекрутликка тайинланган мужикларгина ҳеч нима демай секин-аста ҳовлига чиқиб кетдилар.

Икки соатдан сўнг Дутловларнинг икки араваси шаҳардан чиқа бошлади. Биринчи, қорни тортилган, бўйни терлаган, бурул тусдаги байтал қўшилган аравада чол билан Игнат ўтирарди. Араванинг орқа томонида тугунлар, декча ва нонлар силкинарди. Ҳеч ким ҳайдамаётган иккинчи аравада рўмол ўраган ёш келин билан қайнана мамнун ва бахтиёр ўтиришарди. Келинларда тагида вино ушлаб ўтирарди. Юзлари қип-қиза-

риб кетган Илюшка отга орқасини қилиб ўтириб силкиниб борар, кулчани закуска қилиб тинмай гапирарди. Овозлар ҳам, филдиракларнинг тош йўлда қалдираши ҳам, отларнинг пишқириши ҳам, ҳаммаси бирга қўшилиб хушчақчақ товуш касб этарди. Отлар уйга қараб кетаётганларини ҳис қилиб думларини силкитишар, борган сайин йўртишларини тезлатишарди. Уткинчи ва йўловчилар бу бахтиёр оилага беихтиёр ўгирилиб қарашарди.

Шаҳардан чиқаришда Дутловлар рекрутлар тўдасига етиб олдилар. Бир гуруҳ рекрутлар майхона ёнида доира қуриб туришарди. Одамнинг сочи олинса ғалати бўлиб қолади, худди шундай бир рекрут кулранг фураж-касини орқага қилиб кийиб, зўр бериб балалайка чаларди; иккинчиси шапкаси қўлида бир шиша ароқ билан доира ўртасида ўйин тушарди. Игнат қайишни тортиб қўйиш учун отни тўхтатиб, аравадан тушди. Дутловларнинг ҳаммаси ўйин тушаётган одамга қизиқиб, маъқуллаб, қувонч билан қараб қолдилар. Рекрут ҳеч нарса кўрмаётгандек бўлса-да, анқайиб томоша қилаётган халойиқнинг кўпая борганини ҳис қилар, бу унга куч ва эпчиллик бағишларди. Рекрут жуда чаққон ўйнади. Унинг қошлари чимирилган, қип-қизил бети тунд, лабларида кулги излари қотиб қолган эди. Қалбининг бутун кучи бир оёғини иложи борича тезроқ иккинчи оёғи билан алмаштириш, гоҳ оёқ учида, гоҳ товонида туришга қаратилгандек эди. Баъзан у қўққисдан тўхтар, балалайкачига кўз қисар, у эса торларнинг аввалгидан баттар жангиллатиб, балалайка юзига бармоқлари билан дўқ-дўқ уриб қўярди. Рекрут баъзан таққа тўхтаб қолар, лекин қимир этмай турганида ҳам ўйнаётгандек туюларди. Бирдан у елкаларини қоқиб оҳиста ҳаракат қила бошлар, қўққисдан юқорига ирғишлар, шу учиб туришида чўккалар ва қийқирганича тиззалаб ўйнаб кетарди. Болалар кулар, хотинлар бош чайқар, эркаклар маъқуллаб жилмайишарди. Кекса унтер-офицер ўйинга тушаётганнинг ёнида: «Сизларга ғалати кўринару, лекин менга буларнинг ҳаммаси аллақачондан маълум», деяётган қиёфада турарди. Балалайкачи чарчаган бўлса керак, эринчоқлик билан аланглади, қандайдир нотўғри оҳанг чиқарди-да, тўсатдан бармоқлари билан балалайка юзига дўқиллатиб урди, ўйин тугади.

— Хой! Алёха!— деди балалайкачи ўйинчига Дутловни кўрсатиб:— Тутинган отанг-ку!

— Қани? О, биродари азиз!— деб қичқирди Алёха. Дутлов сотиб олган ўша рекрут ҳорғин оёқлари олдинга букчая-букчая, шишадаги ароқни баланд кўтарганича арава томон юрди.

— Мишка! Стакан!— деб қичқирди у.— Хўжайин! О, биродари азиз! Шу хурсандчиликка!..— деб қичқирди у маст калласи билан аравага муккасидан тушиб, кейин мужикларни ва хотин-халажни ароқ билан сийлай бошлади. Мужиклар ичишди, хотин-халаж ичишдан бош тортди.— Оҳ, меҳрибонларим-а, сизларга нима ҳадя қилсам экан-а?— дерди Алёха кампирларни қучоқлаб.

Оломон орасида закуска сотувчи хотин ҳам бор эди. Алёха уни кўриб қолди, қўлидан дўкончасини тортиб олди-да, аравага ағдарди.

— Қўрқма, пулини тўлайман,— деб қичқирди у минғиллаб, кейин чалвори чўнтагидан пул солинган халтача чиқариб Мишкага ташлади.

У аравага суяниб, ёшланиб турган кўзларини аравада ўтирганлардан узмай тикка турарди.

— Онанг қайси?— деб сўради у,— сизми? Онага ҳам жоним садақа.

У бир дақиқа ўйланиб қолди-да, чўнтагига қўлини тикди, тахлоглиқ янги рўмол, шинель тагидан сочиқ олди (уни белига боғлаб олган эди), бўйнидаги қизил рўмолни шошиб-пишиб ечди, ҳаммасини қўшиб гижимлади-да, кампирнинг тиззасига ташлади.

— Шулар сизга садақа,— деди у борган сайин пайса бораётган овоз билан.

— Овора бўлиб нима қиласан? Раҳмат, жоним! Мунча очиқкўнгил йигит экан-а,— дерди кампир уларнинг араваси ёнига келган Дутловга.

Қарахт бўлган Алёха жим бўлиб қолди, мудраётгандек боши борган сайин қуйи солинавверди.

— Сизлар учун кетяпман, сизлар учун жон бераман!— деб гўлдиради у.— Шунинг учун ҳам сизларга ҳадя қиламан.

— Бу бечоранинг ҳам онаси бордир,— деди оломон ичидан кимдир:— Жуда соддадил йигит экан! Шўринг ақурғур!

Алёха бошини кўтарди.

— Онам бор,— деди у.— Туғишган отам бор. Ҳам-

малари мендан кечишган. Қулоқ беринг, кампир,— деб қўшиб қўйди у Илюшканинг онасининг қўлидан чангаллаб, кейин:— Сизга ҳады бердим. Энди сиз ҳам Исо ҳаққи, бир гапимга хўп денг. Водное қишлоғига боринг. Никонова деган кампирни топинг, туққан онам бўлади у, билдингизми, ўша кампирга, Никонова деган кампирга айтингки, чеккадан учинчи уй, янги қудуғи бор... Унга айтингки, ўғлингиз, сизнинг... музикачи! Бошла!— деб қичқирди у.

Шундай деди-ю, гўлдирай-гўлдирай ўйин туша кетди, қўлидаги шишани тагида қолган ароғи билан ерга урди.

Игнат аравага чиқди ва ҳайдаб кетмоқчи бўлди.

— Яхши бор, худа ярлақасин!..— деди кампир пўстинининг олдини ёпиб.

Алёха тўсатдан тўхтади.

— Шайтон олсин сенларни,— деб қичқирди у муштини дўлайтириб.— Онангни...

— Худоё тавба!— деди Илюшанинг онаси чўқиниб.

Игнат байтални ҳайдади, арава жилиб гилдирақлар яна дўқиллади. Рекрут Алексей кўчанинг ўртасида турар, муштини қисганича, юзида ғазаб ифодаси ёниб, оғзига келганини қайтармай, мужикларни сўкарди.

— Нега бақирасанлар?— Жўна! Ёвузлар, одамхўрлар!— деб қичқирди у.— Жўналаринг деяпман! Олчоқлар! Пандавақилар!..

Шу сўзларни айтди-ю, қўққисдан жим бўлди, тикка турган ерида гурс этиб йиқилди.

Кўп ўтмай Дутловлар далага чиқиб олишди, энди орқага ўгирилиб қараганлари билан рекрутлар тўдаси кўринмас эди. Беш чақиримча отни юргизиб борган Игнат аравадан тушди-да, (чол ухлаб қолган эди) Илюшканинг араваси билан ёнма-ён кетди.

Шаҳардан ола чиққан бир шиша ароқни икковлан ичишди. Бир оздан сўнг Илья қўшиқ бошлади, хотинлар унга жўр бўлишди. Игнат қўшиқ оҳангига мослаб отларга қичқириб-қичқириб қўярди. Рўпарадан почта араваси шитоб билан тез ўтди. Ямшик икки аравадаги хушчақчақ одамлар билан ёнма-ён келганда, отларга бир қичқириб қўйди; почтальон ўгирилди ва шўх қўшиқ айтиб аравада силкиниб келаётган мужиклар билан хотинхалажнинг қип-қизарган юзларига қараб, кўз қисиб қўйди.